

**Ф. НАБИЕВ, М. Д. МАРПАТОВ**

**ЛИЗИНГ ФОЯСИ, ТАРИХИ,  
ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА  
АМАЛИЁТИ**

**ТОШКЕНТ — 2004**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Э. Ф. НАБИЕВ, М. Д. МАРПАТОВ

# ЛИЗИНГ ФОЯСИ, ТАРИХИ, ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги томонидан ўқув қўйлланма  
сифатида тавсия этилган*

Тошкент — «ЎАЖБНТ» Маркази — 2004

**Набиев Э. Ф. , Марпатов М. Д.** Лизинг гояси, тарихи, ҳүкүқий асослари ва амалиёти. Т., «ЎАЖБНТ» Маркази, 2004, 80 б.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	6
------------	---

### **I БҮЛИМ**

Лизинг ғояси.....	9
Лизингнинг тарихий ривожланиши.....	10
Замонавий лизинг тараққиёти.....	13

### **II БҮЛИМ**

Лизинг моҳияти.....	18
Лизинг турлари ва шакллари.....	24
Лизинг аҳамияти.....	31

### **III БҮЛИМ**

Лизинг амалиётларини амалга ошириш жараёнлари. Лизинг шартномаси шартлари ва уни расмийлаштириш тартиби .....	34
Лизинг тўлови ва уни ҳисоблаш усуллари.....	40
Лизинг операцияларининг халқаро андозалар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи.....	45

### **IV БҮЛИМ**

Лизинг ва Ўзбекистон .....	55
Ўзбекистон Республикасининг лизинг бўйича қонунчилик кунжматлари.....	59
Илесмалар.....	66
Адабиётлар.....	79

## **CONTENTS**

Introduction.....	6
I section	
Concept of leasing.....	9
Historical development of leasing.....	10
Development of modern leasing.....	13
II section	
Essence of leasing.....	18
Types and forms of leasing.....	24
Meaning of leasing.....	31
III section	
Process of realization of leasing operations.....	34
Leasing payments and methods of its account.....	40
Accounting and reporting of leasing operations according to the international standarts.....	45
IV section	
Leasing and Uzbekistan.....	55
Acts about leasing in the Republic of Uzbekistan.....	59
Supplement.....	66
Literature.....	79

## **ANNOTATION**

**On the manual "The Concept of leasing, its history, legal bases and practice", prepared on publication by the doctor of economic sciences E. G. Nabiev and candidate economic sciences M. D. Marpatov**

In the present manual the theoretical and bases of the leasing relations, together with its historical development recognized in the world by the most effective investment means and complex process of its relation are consecrated. Alongside with it, in the book the modern types and forms of leasing, used in world practice, and also difficult operations connected to realization of leasing payments and accounting of international leasing practice are reflected.

Besides, in last section of the given manual are covered a condition of leasing relations now in our republic and analysis of the acts, working in practice, with concrete examples and statistical data.

The present manual is intended for the bachelors on a direction 1340600 "Finance" on discipline of choice "Financing of the projects".

Alongside with it, the manual can be used by the experts of banks, tax service, financial system and other economic areas, and also science officers conducting researches in the given sphere.

Ушбу китобни устозимиз  
Шабанова Наталья Николаевнанинг  
ёрқин хотирасига багишлаймиз.

## К И Р И Ш

Лизинг дунёning барча мамлакатларида кенг кўламда қўлланилаётган энг самарали молиявий хизмат турларидан бири ҳисобланади. Охирги 15 йилда ривожланган мамлакатларда лизинг операцияларининг ҳажми 5 марта ошган ва уларнинг 30%дан ортиқ инвестицияси лизинг орқали амалга оширилмоқда. Бу маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, лизинг дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаган ва бугунги кунда ҳам ушбу молиявий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати мустақиллик йилларининг дастлабки кунлариданоқ лизинг амалиётларини ривожлантиришга эътибор бериб келмоқда. Бугунги кунда Республикада 6 та маҳсус лизинг компаниялари фаолият юритмоқда ва 10 та йирик тижорат банклари ҳам шундай самарали молия операцияларини амалга оширмоқда.

Ушбу истиқболли соҳани ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда ва турли имтиёзлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги «Лизинг тизими ривожланишини янада рағбатлантириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида лизингни ривожлантириш учун янги имтиёзлар яратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабридаги 447-II сонли Қонуни билан Республиканинг лизингта оид қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Лизинг амалиётларини ҳаётга татбиқ этишда унинг назарий асосларини ёритиш, тарихий ривожланишини ўрганиш ва ҳалқаро лизинг тажрибаларидан кенг фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Республика матбуот саҳифаларида мазкур мавзуда қатор мазмунли мақолалар чоп этилмоқда. Лекин ушбу илмий қарашлар лизинг муносабатларининг маълум томонларини ёритиш ва уни ривожлантиришга боғлиқ

Айрим муаммоларни құтариш билан чегараланған. Айниқса, ўзбек ти哩да адабиётларнинг деярли мавжуд әмаслиги олий ва ўрта маҳсус үқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун ушбу мавзууни үрганишда катта қийинчиликлар туғдиради.

Муаллифлар бугунги кунда лизинг муносабатларини ҳар томонлама үрганиш зарурияти мавжудлигини инобатга олган ҳолда, ушбу үқув қўлланмасини үқувчиларга тақдим этади.

Китоб лизинг ғояси, унинг назарий асослари ва амалиётга татбиқ этиш масалалари ҳамда Ўзбекистонда лизинг амалиётининг ривожланиш муаммоларини ўз ичига олган тўрт бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда лизинг тўгрисидаги ғоя қандай вужудга келганилиги ва ким томонидан яратилганилиги тўгрисида қимматли маълумотлар берилади. Шу асосда жаҳоннинг турли мамлакатларида лизинг операцияларининг тарихий ривожланиши ҳам мантиқан, ҳам қизиқарли маълумотлар асосида ёритилиб, бугунги лизинг тараққиётининг асослари чуқур таҳлил қилинган.

Китобнинг иккинчи бўлими лизинг муносабатларининг назарий асосларини ёритишга бағишлиланған бўлиб, унда лизинг-моҳияти, аҳамияти ва унинг турлари бўйича муаллифларнинг илмий изланишлари баён этилган. Мазкур бўлим шуниси билан эътиборга моликки, лизинг моҳиятини ёритишда жаҳон адабиётларида энг кўп тарқалган лизинг бўйича таърифлар ҳар томонлама таҳлил этилган ва лизинг турларини таснифлашда энг нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан қўлланилаётган услублар ва энг янги фикрлар берилган.

Китобнинг учинчи бўлимида ўта мураккаб молиявий амалиёт ҳисобланган лизинг амалларини бажариш механизми билан қилинган. Унда үқувчи лизинг амалларини бажариш кетма-кетлиги, лизинг тўловларини амалга ошириш ва лизингнинг халқаро андозаларга асосланган бухгалтерия ҳисобини юритиш каби муҳим масалаларни үрганиши мумкин. Муаллифлар ушбу масалаларни ёритишда республикадаги мавжуд қонунчилик ҳамда республикада ва хорижий мамлакатларда қарор топган тажрибаларга таянганлар.

Сўнгги, тўртинчи бўлимда Ўзбекистонда лизинг муносабатларининг ривожланиш масалалари ўз аксини топган. Ушбу бўлимда лизинг амалиётини ҳаётга жорий этиш ва ривожлантириш бўйича хукumatимиз томонидан ўтказилаётган таъбирлар ҳамда лизинг бўйича қонунчилик ҳужжатларини та-

комиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ёритилган. Бундан ташқари, мавжуд статистик маълумотлар асосида лизингнинг бугунги кундаги ахволи таҳлил қилинган ва уни ривожлантириш бўйича қимматли таклифлар берилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, китобнинг охирги бобида лизинг амалиётларининг бугунги ҳолати ва қонунчилик хужжатларини янада ривожлантириш бўйича муаллифлар ўз шахсий фикр, мулоҳазаларини ўқувчи эътиборига ҳавола этганлар. Ўйлаймизки, ушбу йўналиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши ва лизинг муносабатларининг бўлғуси тақдирига ижодий ёндашиши учун туртки бўлади.

Мазкур китоб нафақат талabalар учун, балки лизинг билан шуғулланаётган республика тадбиркорлари, лизинг компаниилари ва банк мутахассислари, шунингдек, ушбу мавзу бўйича илмий изланишлар олиб бораётган илмий ходимлар учун зарур қўлланма бўлиб хизмат қиласи, деган умиддамиз.

Муаллифлар ушбу қўлланмани тайёрлашда яқиндан амалий ёрдам кўрсатган Жаҳон банки қошидаги Халқаро молия корпорацияси мутахассисларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларига ва РАТБ «Фаллабанк» раҳбариетига ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

## I БЎЛИМ

### ЛИЗИНГ ФОЯСИ

Албатта, ҳар қандай иқтисодий муносабатлар муайян жамиятдаги мавжуд объектив зарурият орқали вужудга келади. Шу билан бирга, иқтисодиётда пайдо бўлган барча янги муносабатлар кимнингдир фояси ва ташаббуси орқали ҳаётга жорий этилади. Хўш, лизинг муносабатлари қандай зарурият туфайли юзага келган ва лизинг фоясини ким яратган?

Лизинг инглизча сўз бўлиб, унинг ўзбек тилидаги луғавий маъноси **ижара** маъносини билдиради. Унинг иқтисодий мазмуни эса мулкий муносабатларнинг мазмунин билан изоҳланади. Чунки ижара муносабатлари мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ жараёнлар заминида шаклланади. Шунинг учун ҳам лизинг муносабатларининг шаклланиши бевосита мулкий муносабатларнинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ.

Кишилик жамиятининг айрим босқичларида ишлаб чиқариш воситалари айрим жамоалар, кейинчалик эса алоҳида шахслар қўлида тўпланиб борган, айни пайтда жамият аъзоларининг катта қисми ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлиб қолган. Бундай шароитда, бир томондан, мулқдорлар ўз тасарруфидаги барча мол-мулқдан бирданига фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли, уларнинг маълум қисми ҳаракатсиз туриб қолган бўлса, иккинчи томондан эса ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган жамият аъзоларининг катта қисми ишсизларга айланган. Натижада маълум ишлаб чиқариш кучлари жамият учун ҳеч қандай наф келтирмайдиган ҳаракатсиз ҳолга тушиб қолган. Бу иқтисодиётга пуртур етказиб, жамиятда ижтимоий беқарорликни вужудга келтирган. Бундай қарама-қаршиликлар, маълумки, янгича муносабатларнинг шаклланишига олиб келади. Мана шундай қалтис вазиятни ҳал этиш учун ҳаракатсиз қолган ишлаб чиқариш воситаларини ишсизларга вақтингчалик фойдаланишга — **ижарага бериш фояси** туғилган бўлса ажаб эмас.

Тарихий адабиётлардаги маълумотларга кўра, лизинг түғрисидаги ана шундай ажойиб фикр биринчи бўлиб эрамиздан аввалги IV асрда яшаган грек файласуфи Аристотел томонидан билдирилган. «**Бойлик мулкка эгалик қилишда эмас, балки ундан самарали фойдаланишладир**», деган машҳур сўзлар айнан унга тегишилдир. Олим ушбу фалсафий фикрлари билан **лизинг тоғасини яратди**, у бугунги кунда ҳам лизинг моҳияти ва аҳамиятини очиб беришда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Лизинг (ижара), даставал, мулк тушунчасини иккига: мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига бўлиб юборди. Бунда меҳнат қилиш ва фойда олиш учун, албатта, мулк эгаси бўлиш шарт эмас, балки ундан **вақтингчалик фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш қоидаси ҳукмонлик қилиб**, ижара берувчидаги мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг дахлсизлиги сақлаб қолинди. Лизинг муносабатларининг кейинчалик ривожланиши натижасида шаклланган замонавий молиявий ижара тури, яъни лизинг эса ижарага олинган мулкдан нафақат вақтингчалик фойдаланиш, балки унга эгалик қилиш ҳуқуқини яратиб, ижарачиларда мулк соҳибига айланниш туйгусини вужудга келтирди.

Шундай қилиб, иқтисодиётда мулкдан фойдаланишнинг янги шакли — ижара муносабатлари, кейинчалик эса унинг такомиллашган маҳсус тури **молиявий ижара** — лизинг вужудга келган. Демак, лизинг амалиётларининг заминида, аввало, ижарага асосланган мулкий муносабатларнинг тадрижий ривожланиш босқичлари ётади.

Шу билан бирга, лизинг моҳиятини тўлароқ тушуниш учун унинг тарихий ривожланиш босқичларини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

## ЛИЗИНГНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Юқорида таъкидланганимиздек, лизинг битимлари Аристотел яшаган даврда ҳам амалда бўлган. Сўнгги илмий изланишлар асосида қўлга киритилган маълумотлар эса лизинг эрамиздан аввалги 2000-йилларда Шумер давлатида мавжуд бўлганлигини тасдиқламоқда. Мазкур давлат тасаруфида бўлган Ур шаҳридан топилган сопол таҳтачалардаги ёзувлар ибодатхона руҳонийлари томонидан айрим қишлоқ хўжалик қуроллари, уй ҳайвонлари, ер ва сув манбалари

мулксиз аҳоли қатламига ижарага берилганлиги ҳақида гувоҳлик бермоқда.

Европадаги савдо-сотиқ марказларидан бири бўлмиш қадимий Венецияда ҳам дастлабки лизинг муносабатлари мавжуд бўлганлиги тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. Венецияликлар савдо-сотиқ мақсадида келган хорижий савдо кемаларини сув курфазида ушлаб туриш учун ўша даврларда ўта қимматбаҳо матоҳ ҳисобланган кема лантарларини ижарага беришган. Кейинчалик бундай имтиёзли хизмат турларидан узоқ сафарларга отланган маҳаллий сув кемалари эгалари ҳам фойдаланишган.

Хукуқий жиҳатдан лизинг, даставвал, эрамиздан аввалги V асрда Рим империясининг қонуний ҳужжатларида ўз аксини топган. Рим хукуқномасини кодлаштирган император Юстиниан I (483-565 йилларда яшаган) ижара муносабатларини хукуқий ҳужжатларда қайд эттирган. Бундан кўриниб турибдики, ижара муносабатларини ривожлантириш нафақат фалсафий ғояларга эга бўлиш, балки мулкий муносабатлар сифатида ўзининг хукуқий мазмунига эга бўлишни тақозо этган.

Ушбу тарихий маълумотлар лизинг муносабатлари фақат шу даврдан бошлаб мавжуд бўлган, деган хulosани бермаслиги керак. Чунки тарихнинг ҳали очилмаган саҳифалари беҳисобдир. Ажаб эмас, балки бизнинг Ватанимизда ҳам қадим-қадимдин ижара муносабатлари ўз ривожини топган бўлса.

Лизинг тарихан ўз ғояси ва хукуқий мавқеига эга бўлсада, тўлақонли ривож топиши учун узоқ даврни бошидан кечиришга мажбур бўлди. Унинг ривожланиш босқичи XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг дастлабки йилларидан бошланган. Маълумки, ўтган аср бошлари Европанинг қатор мамлакатларида саноат ва транспортнинг юксалиш даври бўлған. Бундан ташқари, капиталистик жамиятни дам-бадам ларнига солиб турган иқтисодий бухронлардан эсон-омон чиқишида ишбилармонлар лизинг муносабатларини эътиборлай четда қолдириши мумкин эмас эди.

Шу йилларда лизингни дастлаб тилга олган киши бу австриялик олим Н. Хойер бўлиб, у 1877 йилда «Европада қандай қилиб бизнес қилиш керак?» деган китобида «Белл» телефон компанияси ўзи ишлаб чиқарган телефон аппаратларини сог'ласдии ижарага бериб юборганлиги ва шу орқали китта фойда кўрганилиги тўғрисида бонг уради.

Мазкур корхона истеъмолчиларга телефон аппарати қиймитини алоқл хизмати ҳлқиги мутаносиб равишда қўшиб тўлаш

шарти билан ижарага бериб юборган. Истеъмолчилар нафақат телефон аппаратидан фойдаланиш ҳуқуқини, балки келишилган тўловларни бажаргандан сўнг унинг эгаси бўлиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишган. Ушбу воқеа нафақат алоқа соҳасининг ривожланишига, балки истеъмолчиларда ижарага берилган телефон аппаратларига, яъни ўз мулкига нисбатан эгалик туйғусининг шаклланишига туртки бўлди. Шундай қилиб, ижара нафақат мулқдан фойдаланиш ҳуқуқини яратиш, балки ижарага берилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритиш мумкинлигини исботлади. Ёки ушбу телефон аппаратлари ижараси бугунги замонавий лизинг муносабатларининг тамал тошидан бири бўлган ижарага берилган мулкни ижара олувчининг мулкига ўтиш қоидасини ёхуд ижарачининг мулк соҳиби ҳуқуқини қўлга киритиш имконияти мавжудлигини тасдиқлаб берди. Ушбу ҳол лизинг гоясига асосан мулкка эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш қоидалари бўйича иккига бўлинган мулк ҳуқуқини ижарачи фойдасига қайтадан уйғунлаштириди.

Буюк Британияда XX аср бошларида капитализмнинг жадал ривожланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турларини ижарага бериш жараёнини тезлаштириб юборди. Айниқса, темир йўл транспорти ва тошкўмир қазиб олиш саноатининг гуркираб ўсиши ижара муносабатлари жонланишида катта рол ўйнади. Маълумки, қазиб олинган тошкўмирни истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб туриш учун катта миқдорда темир йўл вагонларига зарурият туғилади. Лекин кон саноати корхоналарининг ҳамма вақт ҳам катта миқдорларда темир йўл вагонларини сотиб олишга молиявий жиҳатдан қудрати етмасди. Мана шундай пайтларда молиявий жиҳатдан бақувват компаниялар фойда олиш мақсадида темир йўл вагонларини сотиб олиб, уларни кончиларга ижарага беришган. Кейинчалик эса ижара муддати тутагандан сўнг кончиларга вагонларни сотиб олиш ҳуқуқи (опцион) билан ижара битими тузилган. Бундай шартномалар «ижара - сотиш» номини олган. Агар эътибор бериб қаралса, мазкур ижара битимлари орқали замонавий лизингнинг яна бир муҳим жиҳати — учинчи воситачи шахснинг, яъни лизинг компанияларининг вужудга келиши учун пойdevор қурилди. Шундай қилиб, янги аср бошларида замонавий саноат лизинги тарих саҳнасига кириб келди.

Шу тариқа Европа ва Америка Құшма Штатларида лизинг операциялари иқтисодиётнинг айрим соҳаларида мұваффақиятли құлланила бошланды. Айниңса, иккінчи жағон уруши даврида АҚШда давлат буюртмаси бүйіча уруш учун зарур бұлған ҳарбий маҳсулоттарни ишлаб чиқаришда АҚШ ҳукумати томонидан ишлаб чиқарувчиларга турли имтиёзлар яратилиши оқибатида шу соҳаларда ижара мұносабатлари кенг тус олиб ривожланды.

Лекин ушбу ижара амалиётлари доимий тус олиб, иқтисодиётнинг мустақил соҳасига айланди деб бұлмасди. Улар гүё баҳор келаётгандыдан дарак берувчи дастлабки лизинг қалдирғочлары эди, холос.

## ЗАМОНАВИЙ ЛИЗИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Бугунги замонавий лизинг (молиявий ижара) амалиётлари XX асрнинг 50-йилларыда АҚШда шаклланиб, ўзининг такомиллашган күринишига эга бұлды. Иккінчи жағон урушидан сұнг мамлакатда саноатнинг гуркираб ривожланиши натижасыда катта миқдорда ишлаб чиқарылған технологик ускуналар, дengiz кемалари ва бошқа қимматбаҳо машина-механизмларни пешма-пеш пулга тұхтосыз сотиши имкониятлари чегараланғанлиги боис, уларни ижарага бериш манфаатлы усул эканлиги маълум бўлиб қолди. Акс ҳолда ишлаб чиқылған товарлар сотилмасдан, иқтисодий бухронлар вужудга келиши мумкин эди. Шунинг учун ҳукумат томонидан лизинг мұносабатларини рафбатлантириш мақсадида катта имтиёзлар кўзда тутилған махсус дастур қабул қилинди.

Лекин лизинг бүйіча давлат томонидан қанча қулайликлар яратылmasин, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ижара мұносабатларига киришишдан нечоғлик манфаатдор бўлиш масин, лизинг авж олиб ривожланиши мумкин эмасди. Чунки уларнинг бошини қовуштирадиган учинчи воситачи — махсус лизинг компаниялари шаклланиб улгурмаган эди.

Тиниб-тинчимас америкаликлар бу заруриятни биринчи бўлиб тушуниб етдилар. 1952 йилда Сан-Франциско шаҳрида ишбилармон Генри Шонфелд томонидан асос солинган биринчи лизинг компанияси «United States Leasing Corporation» дунёга келди. Ушбу воқеа замонавий лизинг ривожланиши

йўлида тарихий қадам бўлди. Мазкур компаниянинг муваффақиятли фаолияти натижасида унинг янги очилган ўнлаб шульба корхоналари АҚШ давлат чегараларини бузиб ўтди ва дунёning бошқа мамлакатларида ҳам ўз ишини бошлади. Шу боис қейинчалик ушбу лизинг компанияси «United States Leasing International» номини эгаллади.

Иқтисодиётнинг қон томирлари ҳисобланган банк муассасалари ҳам бундай манфаатли бизнесдан четда туриши мумкин эмас эди. АҚШда 1970 йилда «Банк холдинг компаниялари түғрисида» қонун қабул қилиниши банкларнинг лизинг амалиётлари билан шуғулланиши учун катта туртки бўлди. 1971 йилда жаҳон банк тизимида лизингта оид бўлган катта воқеа юз берди. Шу йили АҚШ Федерал захиралар тизими банкларга лизинг операцияларини амалга оширувчи шульба фирмаларини очишга рұксат берди. Бу эса тижорат банкларига шу даврдан лизинг билан шуғулланиш босқичини бошлаб берди.

Молиявий ресурсларга бой бўлган банкларнинг лизингта жалб қилиниши уларга иқтисодиётдаги лизинг битими иштирокчилари билан яқиндан ишлаш имкониятларини яратиб, лизинг иқтисодиётнинг барча соҳаларига кириб боришини таъминлади.

1982 йилга келиб лизинг фазони ҳам забт этди. Мак-Доннелла Дуглас корпорацияси ўз самолётларини сотмасдан лизингта бериш сиёсатини қўллаб, ўзининг хавфли рақиби «Боинг-727» компанияси билан рақобатда ғолиб чиқди. Дуглас томонидан таклиф қилинган «сотиб олишдан олдин учиш» шиори лизинг учун яна бир янги ҳаёт саҳифасини очиб берди. Бугунги кунда авиа - самолёт лизинги жаҳон лизинг бозорининг 10% ини ташкил этганлиги фикримизнинг тасдиғидир.

Куйидаги жадвалда АҚШда 1978—1988 йиллар давомида ускуналар бўйича лизинг амалиётларининг динамикаси келтирилган:

(US \$ млрд)

Йиллар	Ускуналарга қилинган жами инвестиция	Ускуналар бўйича лизинг ҳажми қиймати	Ускуналар бўйича лизинг ҳажми (фоизларда)
1978	178,0	22,3	12,5
1980	208,9	36,5	17,5
1982	223,4	48,4	21,7
1985	290,1	78,7	27,1
1988	328,8	99,8	30,4

АҚШда умумий лизинг амалиётларининг ҳажми 2001 йилга келиб 240 млрд доллардан ошиб, унинг инвестициядаги хиссаси 33%га тенг бўлди. Бугунги кунда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган медицина ускуналарининг 10-30% игача лизинг орқали сотилаётган бўлса, ҳар учинчи компьютер лизинг обьекти сифатида истеъмолчиларга етказилмоқда.

Лизингнинг АҚШдаги баланд парвози Европадаги ривожланган мамлакатларнинг ишбилармон кишиларини ҳаракатга келтирди. Жумладан, 1967 йилда Германия Федератив Республикасида «Митфинанд Гмбх» компанияси ташкил этилди, кейинчалик эса таникли «Гефализинг Гмбх» компанияси ўз фаолиятини бошлади.

Италияда 1967 йилда биринчи бўлиб «Локафит» лизинг компанияси ишга тушган бўлса, орадан кўп вақт ўтмасдан бу мамлакатдаги лизинг компанияларининг сони 2 мингдан ошиб кетди. Давлат томонидан уларнинг фаолиятини тартибга солувчи «Ассима» миллий ассоциацияси ишга тушиб, у 50 дан ортиқ «Локафит», «Итализ», «Гентролизинг», «Савализинг», «Локат» каби йирик лизинг компанияларини ўзида бирлаштирган.

Францияда 1969 йилда дастлаб «Локафранс» лизинг компанияси ташкил этилди. Ҳозир бу мамлакатда «Локафранс» «Локабай», «Слибай», «Слиминико», «Софимобай» каби йирик компаниилар билан бир қаторда турли йўналишлар бўйича ихтисослашган 150 дан ортиқ лизинг компаниялари мавжуд.

Лизингнинг жадал юриши Осиёning ривожланган мамлакатларини ҳам четлаб ўтмади. 1969 йилда Японияда жуда йирик «Century Leasing System» лизинг компанияси дунёга келди. Бугунги кунда Японияда йирик лизинг компаниялари тармоги яратилиб, улар тўла хизмат курсатиш анъаналари билан дунёга машҳурдирлар.

**Охириги 15 йилда** ривожланган мамлакатларда лизинг операцияларининг ҳажми 5 марта ошган ва уларнинг 30%дан ортиқ инвестицияси лизинг орқали амалга оширилмоқда.

Махсус лизинг компаниялари фаолият бошлашлари ва тижорат банклари томонидан ҳам лизинг амалиётлари билан шурупланишлари натижасида ўтган асрнинг 80-йиллари бошлирига келиб, лизинг дунёдаги барча ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллади. Бу эса халқаро муносабатларда лизинг амалиётларидан фойдаланиш учун мустаҳкам замин яратди.

Лизинг қанчалик оммавийлашиб бораётганлигини қуида келтирилгандар жадвал маңыздылары ҳам тасдиқлаб турибди.

Ижара битимлари ҳажми - 1994 й.(US \$ млрд)			
Мамлакатлар	Ҳажми	Мамлакатлар	Ҳажми
АҚШ	140,20	Австралия	5,56
Япония	73,67	Канада	4,63
Германия	28,30	ЖАР	4,50
Буюк Британия	13,45	Нидерландия	3,66
Жанубий Корея	13,23	Гонконг	3,66
Франция	10,93	Испания	3,47
Италия	9,29	Мексика	3,20
Бразилия	8,10		

Халқаро алоқаларнинг ривожланиши эса лизинг муносабатларининг бир мамлакат доирасидан бошқа давлатлар иқтисодиётига кириб келишига олиб келди. Натижада Жаҳон банки қошида халқаро лизинг муносабатларини тартибга солувчи Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ўз ишни бошлади. ХМК чорак асрлик иш тажрибасига эга бўлиб, кўплаб мамлакатлар лизинг компанияларининг фаолиятларини бошлаш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунгача у 50 та мамлакатнинг 96 лизинг компаниялари фаолиятини молиялаштирган, 40 мамлакатнинг 120 дан ортиқ лизинг соҳасидаги инвестицион лойиҳаларини амалга оширишда техник ёрдам кўрсатган ҳамда 25 мамлакатдаги лизинг компанияларининг муассиси ҳисобланади. Охирги ўттиз йилда ХМКнинг лизинг компанияларига йўналтирган молиявий қўйилмаларининг ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди.

1979 йилда Европада «Европа федератив миллий лизинг ассоциацияси»(Лизюроп) ташкил этилган. Бугунги кунда ушбу халқаро лизинг компанияси 17 мамлакатнинг 700 дан ортиқ лизинг компанияларини ўз таркибига бирлаштирган.

Халқаро лизинг компаниялари нафақат ўзларига аъзо бўлган лизинг компанияларига техник ёрдам кўрсатиш, балки ривожланаётган мамлакатларда лизинг соҳасини такомиллаштириш билан боғлиқ барча масалаларда, жумладан, мавжуд иқтисодий жараёнларни таҳлил этиб, лизингни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш, қонунчилик хуж-

**жатларини ишлаб чиқиш, кадрлар малакасини ошириш ва маслаҳатлар беришда, шунингдек, мазкур мамлақатларнинг лизинг компаниялари фаолиятларида таъсисчи сифатида иштирок этишмоқда. Хусусан, Ватанимизда 1995 йилда ташкил этилган дастлабки «Ўзбеклизинг Интернейшнл АЖ»нинг таъсисчиларидан бири Ҳалқаро молия корпорациясидир.**

6230

## II БҮЛİM

### ЛИЗИНГ МОҲИЯТИ

Лизинг тарихи ва унинг ривожланишининг таҳдили лизинг тушунчаси жуда қадимий эканлигини қўрсатмоқда. Шунга қарамасдан, лизинг муносабатларининг моҳияти бугungi кунгача турли олимлар ва мутахассислар томонидан турлича талқин қилиниб келмоқда. Лизинг амалиётларининг ҳажми қундан-кунга кенгайиб бораётганлиги ҳамда унинг кўпдан-кўп шакллари ва турлари қўлланилаётганлиги сабабли, лизинг тўғрисидаги мавжуд тушунчаларга аниқлик киритиш ва унинг моҳиятини кенгроқ очиб бериш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Лизингнинг инглиз тилидаги луғавий маъноси «ижара» маъносини англатиши ҳамда унинг иқтисодий маъноси мулчилик муносабатларининг мазмуни билан изоҳланишини биз олдинги бўлимларда айтиб ўтган эдик. Зоро, лизинг тоғаси ҳам айнан мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш қоидалари устига қурилган эди. Бинобарин шундай экан, лизинг муносабатларининг моҳиятини аниқловчи мезон, ижарага берилган мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шартлари билан белгиланишига асло шубҳа туғилмайди. Шу билан бирга, мазкур ижара муносабатларининг бугungi кунда турли-туман шакллари ва турлари қўлланилаётганлиги ҳамда у маҳсус ихтисослашган ва бошқа молиявий ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилаётганлиги сабабли, лизинг муносабатларининг мазмуни бойиб бормоқда.

Амалиётда қўлланилаётган лизинг битимларининг бирбиридан фарқ қилувчи муҳим жиҳатлари бўйича у операцион (жорий) ва молиявий лизинг тушунчаларига бўлинниб кетган. Қонунчилик хужжатларида ижара бу — операцион лизинг, молиявий ижара эса молиявий лизинг ёки бир сўз билан лизинг деб қабул қилинган. Демак, молиявий ижара — бу лизингдир. Мазкур тушунчалар халқаро адабиётларда ҳам шундай маънода қўлланилмоқда.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 дебабриданаги 447-II сонли Қонуни билан 1999 йил 14 апрелдаги «Лизинг тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар киритилди ва республиканинг лизинг бўйича қонунчилиги халқаро андозалар талабларига мослаштирилди.

Бундан ташқари, лизинг моҳиятини очишида унинг таркибий қисмлари бўлмиш лизинг обьекти ва субъектларига ҳам аниқлик киритиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи лизинг субъектларидир. Бунда:

- **Лизинг берувчи** — лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектини кейинчалик лизинг олувчига бериш мақсадида мулк қилиб сотиб оладиган банк ёки лизинг компанияси ёхуд уларнинг шуъба компаниялари (қонунчилик ҳужжатлари бўйича лизинг берувчи бўлиб нафақат лизинг компаниялари ёки банклар, балки ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс ҳам лизинг берувчи бўлиб майдонга чиқиши мумкин).

- **Лизинг олувчи** — лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектига вақтингачалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун оладиган юридик шахс, якка тартибдаги тадбиркор ёки жисмоний шахслар.

- **Сотувчи** — лизинг берувчига лизинг обьектини сотувчи юридик ёки жисмоний шахслар.

Лизинг обьекти — истеъмол қилинмайдиган ва қонунчилик билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган ҳар қандай буюмлар, барча мулк мажмуалари, шу жумладан, корхона, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк бўлиши мумкин. Муомаладан олинган ёки муомала донраси чегараланган ер участкалари ва бошқа табиат обьектлари лизинг обьекти бўлиши мумкин эмас.

Хўш, лизинг нима? Унинг моҳиятини очиши учун халқаро миқёсда энг кўп тарқалган лизинг тушунчаларини таҳлил қилиб кўрайлик. Масалан, Халқаро молия корпорацияси (ХМК) мутлхассислари томонидан у қўйидагича талқин қилинган: «Лизинг— бу мулкий муносабатлар мажмуи бўлиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа бир тараф (лизинг олувчи)нинг топшириғига биноан учинчи тараф (мол стқазиб берувчи)дан лизинг шартномасига мувофиқ лизинг обьекти бўлған мулкни ўз мулки қилиб сотиб олиб, уни тўлини исосида лизинг шартномасида белгиланган шартлар

билан вақтингчалик фойдаланиш ва эгалик қилиш учун лизинг олувчига беради».\*

Лизингга берилган ушбу таърифда унинг моҳиятини очиб берувчи қатор муҳим белгилар мавжуд. Чунончи, унда лизингнинг мулкий муносабатлар мажмуй эканлигига алоҳида урғу берилган бўлиб, унинг моҳиятини очишда иқтисодий мазмунига таянишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, лизинг шарт-номасидаги келишувга асосан лизинг обьекти шартноманинг амал қилиш муддати давомида лизинг берувчининг тасарруфида қолдириш шарти ҳам лизингнинг мулкий муносабатларга тааллукли бўлган мазмунини тўлдиради.

Мазкур таърифда лизинг берувчининг лизинг обьектини лизинг олувчига вақтингчалик фойдаланишга тўлаш шарти ёки фойда олиш мақсадида беришининг белгиланиши лизингнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлик жиҳатига ҳам эътибор қаратилган ёки бошқача қилиб айтганда, лизинг бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири бўлган фойда олиш истагининг маҳсули сифатида қаралган.

Шу билан бирга, ушбу таърифда лизинг обьектининг лизинг шартномаси яқунлангандан сўнг, кимнинг мулкий тасарруфига ўтиши ёки лизинг олувчи мулкни ўзига сотиб олиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Ушбу мезон лизинг, яъни молиявий ижаранинг муҳим атрибулларидан бири эканлиги боис, бизнинг фикримизча, бу мазкур таърифнинг сезиларли камчилигидир.

Бундан ташқари, мазкур таърифда лизинг берувчининг ҳуқуқлари бир оз камайтирилган ёки унда лизинг берувчи фақат лизинг олувчининг топшириғига асосан лизинг обьектини сотиб олади, дейилган. Тўғри, лизинг обьекти, аввало, лизинг олувчининг манфаатларига мос бўлмоғи ва унинг талабларига жавоб бериши лозим, акс ҳолда лизинг битимининг мазмуни йўқолади. Лекин бундан лизинг берувчи мутлақо лизинг олувчининг хоҳиш-истагига қараб лизинг муносабатларига киришади, деган холоса чиқариш нотўғри бўларди. Ваҳоланки, лизинг берувчи лизинг муносабатларининг тенг ҳуқуқли иштирокчисидир, қолаверса,

---

\* Лизинг инфо. Лизинг что это такое? Бизнес Вестник Востока, 23 мая 2002. №21 (539).

**Молиявий** ижара бўлмиш лизингда у марказий ўринни эгал-  
лайди. Лизинг компаниялари мустақил равишда лизинг олув-  
чиларни излаб топиш, уларга зарур бўлган лизинг обьект-  
ларини таклиф қилиш ва қулай ҳамда манфаатли бўлган ли-  
зинг муносабатларини ташкил этишда ташаббускор сифати-  
да майдонга чиқиши мумкин. Бинобарин, лизинг берувчи  
лизинг муносабатларининг фаол иштирокчисидир. Модоми-  
ки шундай экан, лизинг таърифида ҳам бу ҳолат ўз аксини  
**топиши** лозим, деб ҳисоблаймиз.

Европа федерациясининг лизинг бўйича миллий ассоци-  
ацияси томонидан лизингга берилган таъриф ҳам эътиборга  
**моликдир**. «Лизинг — бу ижарачининг ишлаб чиқариш мақ-  
садида завод, саноат товарлари, усқуналар ва қўзғалмас мулк-  
лардан фойдаланиш бўйича ижара шартномаси бўлиб, бунда  
**мазкур** товарлар ижара берувчи томонидан сотиб олинниб, у  
мулкка бўлган эгалик қилиш хуқуқини сақлаб қолади»\*\*.

Хеч қандай қийинчиликсиз сезиш мумкинки, ушбу таъ-  
риф лизингни ижара шартномаси сифатида баҳолаб, унинг  
**моҳиятини** ёритишида иқтисодий мазмунидан кўра хукуқий жи-  
ҳатларига асосий эътибор қаратилган. Эътироф этиш керак-  
ки, унда лизинг обьекти ва ундан фойдаланиш мақсадларига  
**аниқлик** киритилган. Ёки қандай мол-мулк лизинг обьекти  
**булиши** лозим ва ижарачи уни қандай мақсадларга ишлати-  
ши мумкин эканлиги аниқ кўрсатилган. Албатта, бундай аниқ-  
лик лизингдан амалиётда фойдаланишида ўта қўл келади. Шу  
**билан** биргаликда, бундай чегараланиш ундан фойдаланиш  
доирасининг торайишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Чунки  
**дунёнинг** жуда кўп мамлакатларида қонун билан тақиқланма-  
ған **ва** кўп марта ишлатиш қобилиятига эга бўлган барча мол-  
**мулклар** лизинг обьекти сифатида ишлатилмоқда. Шунинг-  
дек, лизинг обьектидан нафақат ишлаб чиқариш мақсадлари-  
да, **балки** хизмат кўрсатиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳала-  
рида фойдаланиш мумкинлиги соя остида қолдирилган.

Лизинг **моҳиятини** аниқлашда худди шунга яқин ўрин-  
ши **rossиялик** олимлар эгаллашган. Масалан, профессор  
И. О. Лаврушин таҳриридаги «Банковское дело» китобида

---

\*\* «Крокус Интернэшнл». Лизинг и коммерческий кредит. М., 1990. С. 7.

лизингнинг қуидаги таърифи келтирилган: «Лизинг деганда машина ва ускуналарни узоқ муддатга ижара бериш ёки ижара берувчи томонидан ижара олувчига ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида сотиб олинган машина ва ускуналар бўйича ижара шартномаси тушунилади, бунда мулкка эгалик қилиш хукуқи шартноманинг тўлиқ муддати давомида ижара берувчида сақланиб қолади».\*

Россияликлар бу таърифда фақат лизинг шартномасининг узоқ муддатли бўлиши лозим эканлигини қўшимча қилишган. Албатта, бундай илова беасос эмас. Бугунги кунда ҳалқаро амалиётда ижара муносабатлари муддатлари бўйича уч турга бўлинади:

- қисқа муддатли ижара (рентинг) — бир кундан бир йилгача бўлган муддатга;

- ўрта муддатли ижара (хайринг) — бир йилдан уч йилгача муддатга;

- узоқ муддатли ижара (лизинг) — уч йилдан йигирма йилгача ва ундан ортиқ муддатларга.

Тўғри, аксарият ҳолларда лизинг шартномаси узоқ муддатларга тузилади. Айни пайтда, лизинг шартномасининг муддати ҳар бир мамлакатнинг қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида белгиланади. Яна шуни қўшимча қилиш зарурки, ҳозирги кунда қўлланилаётган лизинг битимларининг муддати кўп ҳолларда лизинг обьектини фойдаланиш муддатига мувофиқ равишда белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Лизинг тўғрисида»ги Қонунига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ лизинг муддати 12 ойдан, яъни бир йилдан кам бўлмаган ҳолатда белгиланди.

Юқорида келтирилган лизинг бўйича таърифларда молиявий ижаранинг асосий атрибути ушбу муносабатларда, албатта, уч субъектнинг иштирок этиши эканлигини пайқаш қийин эмас. Ёки бунда лизинг берувчи молиявий ижарада марказий ўрин тутади. Лизинг берувчи компаниялар ёки банклар ушбу амалиётларни молиялаштирувчи субъект ҳисобланади, балки шу боисдан ҳам бундай ижара амалиётлари молиявий ижара номини олган бўлиши мумкин.

---

\* Л а в р у ш и н И. О. Банковское дело. Финансы и статистика. М., 2002. С. 459.

Биз лизинг моҳиятини аниқлашда иқтисодий адабиётларда ва ҳукуқий хужжатларда кўпроқ кўлланиладиган лизинг тўғрисидаги тушунчаларнинг таҳлили билан чегараландик. Умуман, лизинг бўйича берилган ҳар қандай таъриф маълум устунликларга эга ва айни пайтда камчиликлардан ҳам холи эмас.

Лекин ўзунни алоҳида қайд этиш зарурки, бъязи адабиётларда лизингта берилаётган тор тушунчаларга кўра, унга инвестиция фаолияти ёки молиявий хизмат, шунингдек, кредитлашнинг бир тури сифатида қарамаслик лозим. Лизинг моҳиятини бундай талқин қилиш унга фақат бир томонлама ёндашишга олиб келади. Масалан, лизингни инвестиция фаолияти деганда фақат лизинг берувчи ва лизинг олувчининг манфаатлари инобатга олинган бўлади, молиявий хизмат деганда эса, лизинг компанияси ёки банкларнинг фаолияти билан чегараланишга тўғри келади, уни кредитлаш билан таққослаш эса, банк ва бошқа кредит муассасаларининг умумий фаолияти билан чалкаштириб юборишга сабаб бўлади.

Ўқувчи лизингта берилган ана шундай таърифлар юзасидан Д.Г.Газибеков ва О.Ш.Собировлар томонидан ёзилган «Лизинг и его развитие в Узбекистане» китобидан тўлиқ маълумотлар олиши мумкин. Ушбу китоб муаллифлари лизинг моҳиятини аниқлаш бўйича мана шундай бирёзламали ёндашувларидан холи бўлиш учун лизингта таъриф беришган олимларни «ўзаро муроса»га чақириб, уни: «қарз беришга асосланган маҳсус ижара муносабатлари орқали вужудга келтирган иқтисодий-ҳукуқий, шу жумладан, молия-кредит муносабатлари мажмуидир»\*\* деб холоса қилишган.

Лизингни таърифлашда, аввало, у мулкий муносабатларга тааллуқли эканлиги ҳамда унда иштирок этаётган барча субъектларнинг мавқеи ва манфаатлари ўз ифодасини топиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу нуқтаи назардан, Ҳалқаро молия корпорацияси мутахассислари томонидан лизингта берилган таъриф биз юқорида келтирган бошқа лизинг таърифларига қараганда ана шундай талабларга кўпроқ жавоб беради. Шу билан бирга, ушбу таъ-

---

\*\* Газибеков Д. Г., Собиров О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. Т., «Молия», 2001. С. 16.

рифга лизинг шартномаси тугагандан сўнг лизинг объекти лизинг олувчининг тасарруфига ўтиши қоидасини қўшиш ҳамда лизинг муносабатлари субъектлари бўлмиш лизинг берувчи ва лизинг олувчининг манфаатларини тенглаштириш учун «лизинг олувчининг топширифига биноан», жумласини «лизинг олувчининг хоҳишига биноан» жумласига алмаштириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Демак, «Лизинг бу — бир тараф (лизинг берувчи) бошқа бир тарафнинг (лизинг олувчининг) хоҳишига биноан учинчи тараф (мол етказиб берувчи) дан лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объекти бўлган мулкни ўз мулки қилиб сотиб олиб, уни лизинг олувчига ҳақ эвазига лизинг шартномасида белгиланган шартлар асосида вақтинчалик фойдаланиш ва эгалик қилиш учун ҳамда шартнома тугагандан сўнг лизинг объектини сотиб олиш ҳукуқи билан берадиган мулкий муносабатлар мажмуидир».

## ЛИЗИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Бугунги кунда жаҳон амалиётида лизинг муносабатларининг кўпдан-кўп турлари ва шакллари қўлланилмоқда. Лизингнинг ҳар бир тури ва шакли тўғрисида фикр юритишдан олдин уларнинг мазмуни ва бир-биридан фарқларига аниқлик киритиш лозим.

Лизинг турлари деганда унинг айрим мазманий белгилари билан фарқ қилувчи лизинг шартномалари тушунилади. Лизинг шакллари деганда эса унинг мазмуни бир бўлиб, фақат лизинг объекти ва субъектларининг, лизинг битими шартлари ҳамда унда акс этган иқтисодий жараёнларнинг шакли ва ташкилий бошқариш жиҳатлари билан бир-биридан фарқланадиган лизинг битимлари тушунилади. Лизинг хизматларининг ҳозирги замонавий бозор шакллари бевосита лизинг битими шартларида ва лизинг операцияларини тартибга солувчи юридик меъёрий хужжатларда ўз аксини топади.

Демак, лизинг турлари бир-биридан мазмунан фарқланса, унинг шакллари эса лизинг битимларининг ташқи белгилари билан таснифланади.

Барча мамлакатларнинг амалиётда кенг тарқалган лизинг турлари бу — молиявий ва операцион (жорий) ижара турларидир. Биз юқорида молиявий ижара — бу лизинг, од-

дий, яъни молиявий бўлмаган ижара эса операцион лизинг дейилишини айтиб ўтган эдик. Бугунги кунда ҳам амалиётда лизинг битимлари ё лизинг (молиявий ижара), ёки операцион лизинг шаклида тузилмоқда, шу сабабли лизингдан операцион лизинг фарқини ажратиш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Шу сабабли кўпгина ривожланган мамлакатларда лизингнинг бу турларини фарқлаш бўйича ўз ички қонунчилик хужжатларига тегишли меъёрлар киритилган ва шу меъёрлар бўйича лизинг шартномаларини молиявий ёки операцион лизингга таснифлаша бошлашди.

Айрим иқтисодчилар томонидан бу икки лизинг тури лизинг шартномаларининг муддатларига қараб, яъни узоқ муддатли лизинг шартномалари молиявий, қисқа муддатлари эса операцион лизинг, деб қабул қилинади. Шунга мувофиқ, операцион лизингда лизинг обьекти фойдаланиш муддати давомида кўп марта қўлланилади ва улар муддатларига қараб рентинг (бир йилгача) ва хайринг (бир йилдан уч йилгача) битимлари деб номланади.

Лизинг (молиявий ижара) шартномаси эса узоқ муддатларга тузилиб, аксарият ҳолларда унинг муддати лизинг обьектининг фойдаланиш муддатига яқин бўлади, бинобарин, ушбу лизинг обьекти фақат бир марта қўлланилади. Бундан ташқари, лизинг муддати тугагандан сўнг лизинг олувчи шартномада келишилган нархларда лизинг обьектини сотиб олиш хуқуқига эга бўлади.

Баъзи мутахассислар лизингнинг операцион лизингдан фарқини лизинг шартномаси давомида лизинг обьекти бўйича вужудга келадиган барча молиявий масъулият ва хатарлар кимнинг зиммасига юкланишига қараб аниқлашни таклиф этишган.

Ушбу масала бўйича бир қарорга келмаслик лизингни халқаро муносабатларда қўллашда катта муаммолар вужудга келтириб, унинг ривожланишига тўсқинлик қила бошлади. Айниқса, лизинг кимнинг балансида ҳисобга олиниши, солиқ мажбуриятлари кимнинг зиммасида бўлиши ва молиявий ҳисоботларда қандай акс эттирилиши масалалари халқаро молиявий ташкилотлар дикқат-эътиборини тортди. Натижада жаҳон иқтисодчилари томонидан лизингни таснифлашнинг асосий қоидаларини ишлаб чиқиши зарурияти туғилди.

Бугунги кунда халқаро миқёсда лизинг (молиявий ижара) қўйидаги белгиларига қараб таснифланмоқда:

- лизинг шартномасининг муддати тугаши билан лизинг обьекти лизинг олувчининг хусусий мулкига ўтади;
- шартнома муддатидан лизинг обьектидан фойдаланиш муддати кўп миқдорни ташкил этади;
- лизинг олувчи лизинг обьектини бозор баҳосидан паст баҳода ёки лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг белгиланадиган баҳода сотиб олиш ҳукуқига эга бўлади;
- лизинг шартномаси даврида лизинг тўловларининг умумий суммаси (солиқлардан ташқари) лизинг обьекти қийматига teng ёки ундан ортиқ бўлиши лозим;
- ижарага берилган лизинг обьектининг фойдаланиш хусусиятларини лизинг олувчи қайта ўзгартирмаслиги лозим.


Башарти, лизинг шартномаси юқорида кўрсатилган талабларнинг ҳеч бўлмаса биттасига жавоб берган тақдирда ҳам уни молиявий ижара, яъни лизинг сифатида қабул қилиш ва улар лизинг шартномаси тузишда, албатта, инобатга олиниши лозим бўлади.

Бугунги кунда аксарият мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам лизингнинг бу икки турини ажратишда юқоридаги қоидалар асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз 1-иловада молиявий ва операцион ижаранинг сифат белгилари бўйича фарқлаш чизмасини ўқувчилар эътиборига ҳавола этамиз.

Бундан ташқари, лизингни операцион лизингдан фарқлаш учун уларнинг соддалашган схемаларидан фойдаланиш ҳам мумкин.


### **Ижара-операцион лизинг операцияларининг соддалашган схемаси**



1. Ижара берувчи ва ижара олувчи ўртасида ижара шартномаси тузилади.
2. Ижара берувчи ижара олувчига ижара обьектини фойдаланиш учун беради.
3. Ижара олувчи ижара берувчига ижара ҳақини тўлайди.

4. Ижара шартномаси тугагандан сүнг ижара объекти ижара берувчига қайтарилади.

### **Молиявий ижара-лизинг операцияларининг соддалашган схемаси**



1. Лизинг оловучи лизинг берувчига буюртма беради.
2. Лизинг оловучи ва лизинг берувчи ўртасида лизинг шартномаси тузилади.
3. Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида олди-сотди шартномаси тузилади.
4. Лизинг берувчи сотувчига лизинг объекти ҳақини тұлайды.
5. Сотувчи лизинг объектини лизинг оловчига юборади.
6. Лизинг оловучи лизинг берувчига лизинг тұловларини тұлайды.
7. Лизинг шартномаси тугагандан сүнг лизинг объекти лизинг оловчидә қолдирилади.

Лизинг ўз ўрнида «сублизинг» шақлида амалға оширилиши мүмкін. Сублизингда лизинг оловучи лизинг объектини учинчи шахсга шартнома асосида лизингга бериши мүмкін. Бунда дастлабки лизинг берувчи (лизинг компаниясы ёки банк) — «сотувчи», лизинг оловучи — «лизинг берувчи» ва сүнгти учинчи шахс эса «лизинг оловучи» сифатида фаолият күрсатишиади.

Адабиётларда лизингнинг «қайтарма» тури ҳам құлланилади. Лизингнинг ушбу турида мол етказиб берувчи ва лизинг оловучи бир субъект сифатида иштирок этади. Айрим ишлаб чиқарувчилар ўзларининг молиявий ҳолатларини яхшилаш мақсадида ўзлари ишлаб чиқарған маҳсулотларини лизинг берувчи

лизинг компаниялари ёки банкларга сотишиди ва уни лизинг шартномасига асосан қайтадан ижарага олишади. Ушбу битим тадбиркорлик мақсадларида эмас, балки вақтингчалик молиявий танглиқдан чиқиши учун тузилади. Бундай битимлар күтгина мамлакатларнинг қонунчилик хужжатларида лизингнинг алоҳида тури сифатида белгиланиб, халқаро амалиётларда қўлланилаётган бўлсада, бизнинг фикримизча, уни лизингнинг мустақил тури сифатида қабул қилиш тўғри эмас. Чунки мазкур лизинг битимларида унинг ҳақиқий иқтисодий мазмунига путур етади, шу сабабли бундай лизинг битимларини «сохта» лизинг, деб аташ мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундан ташқари, халқаро амалиётда энг кўп тарқалган лизинг операцияларини турли хусусиятларига кўра қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

Иштирок этувчиларнинг таркибига кўра:

- **воситачисиз лизинг** — бунда мулк эгаси лизингга объектини мустақил равишда топширади (икки томонлама келишув);
- **воситачили лизинг** — бунда мулк воситачи орқали лизинг олувчига топширилади (уч томонлама ёки кўп томонлама келишув);
- **сублизинг** — лизинг олувчи лизинг объектини учинчи шахсга лизингга беради.

Лизинг обьектига кўра:

- **кўзғалувчи (движимое) мулк лизинги** — ишлаб чиқариш билан боғлиқ машина, асбоб-ускуна ва бошқа анжомларни лизингга бериш;
- **кўчмас мулк лизинги** — бино ва иншоотларни лизингга бериш;
- **фойдаланиш жараёнида бўлган мулк лизинги** — лизинг берувчи ўз ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган молмulkни ижарага беради.

Харажатни қоплаш даражасига кўра:

- **харажати тўлиқ қопланадиган лизинг ёки молиявий лизинг** — бир шартноманинг амалдаги муддати давомида мулк қийматининг тўлиқ қопланиши таъминланади;
- **харажати қисман қопланадиган лизинг ёки операцион лизинг** — бир шартноманинг амалдаги муддати давомида мулкнинг қиймати фақат қисман қопланади.

Амортизация ажратиш шартларига кўра:

- **тўлиқ амортизацияланган лизинг** — лизинг обьектининг қиймати фойдаланиш давомида тўлиқ тўланадиган лизинг;

— қисман амортизацияланган лизинг — лизинг объектининг қиймати фойдаланиш давомида қисман тұланадиган лизинг.

Хизмат күрсатишига күра:

— соф (хұл) лизинг — ижарага топширилаётган мулкка доир барча хизматларни лизинг олуучи ўз зымасига олади;

— тұла хизмат күрсатиши — лизинг объектига доир барча хизматлар тұлиқ равища лизинг берувчига юкланды;

— қисман хизматлар күрсатиладиган лизинг — лизинг объектига доир хизматларнинг фақат айрим қисми лизинг берувчига юкланды.

Операциялар амалға ошириладиган бозор доираси (сектори)га күра:

— ички лизинг — битимнинг барча қатнашувчилари бир мамлакатнинг вакили бўлса;

— ҳалқаро ёки ташқи лизинг — томонларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси ёки барча томонлар турли мамлакатларга тегишли, шунингдек, агар томонлардан биттаси кўшма корхона бўлган ҳолда;

— экспорт лизинг — лизинг олуучи чет эл мамлакати бўлса;

— импорт лизинг — лизинг берувчи чет эл мамлакати бўлса.

Солиқ ва амортизация имтиёзларига кўра:

— соҳта лизинг — чайқов хусусиятига эга бўлиб, солиқ имтиёзлари ҳисобига ва амортизация келишувларидан катта микдорда асоссиз даромад олиш мақсадида тузилади;

— ҳақиқий лизинг — лизинг берувчи инвестиция чегирмаси ва тезлаштирилган амортизация каби солиқ имтиёзларига эга бўлиши, лизинг олуучи эса даромад солиғини тұлашда лизинг тўловларини солиқ тўлаш базасидан чегириши мумкин.

Лизинг тўловларига кўра:

— пул билан тўлаш лизинги — барча тўловлар пул шакли амалға оширилади;

— қоплаш (компенсация) тўлови лизинги — тўловлар лизинг объекти бўлган ускуналардан ясалған маҳсулотларни етказиб бериш орқали ёки қарши хизмат күрсатиши йўли билан амалға оширилади;

— турли тўловли лизинг — ҳар иккала тўлов турлари қўлланадиган лизинг.

Ҳалқаро амалиётда энг кўп тарқалған лизинг операцияларининг шакллари қуйидагилар ҳисобланади:

— стандарт лизинг — сотувчи (етказиб берувчи) лизинг объектини молиялаштирувчи компанияга сотади, молиялаш-

тирувчи компания ўзининг лизинг компаниялари орқали ли-  
зинг объектини истеъмолчига ижарага топширади;

— **қайтарма (возвратный) лизинг** — ускуналар эгаси уни  
лизинг фирмасига сотади ва шу вақтнинг ўзида ушбу ускуна-  
ларни ундан ижарага олади. Ушбу операция натижасида со-  
тувчи айни пайтда лизинг олувчи бўлиб ҳисобланади;

— **етказиб берувчи лизинг** — лизинг объектиning сотув-  
чиси, қайтарма лизингдек, бир пайтда лизинг олувчи бўлиб  
ҳисобланади. Унинг ўзи янги ижарачиларни топиб, лизинг  
объектини уларга сублизинг битим асосида фойдаланишга  
топширади. Ушбу лизинг шакли ўзида «сублизинг» ва «қай-  
тарма» лизингни мужассамлаштиради;

— **қайта янгиланадиган лизинг** — лизинг олувчи талабига  
биноан лизинг объекти ҳисобланган ускуналарни мукаммал-  
лаштирилган янгироқ турларига мунтазам равишда алмаш-  
тирилиб турилиши назарда тутилади;

— **маблаг жалб этиш ҳисобига тузиладиган лизинг** — ли-  
зинг берувчи томонидан лизинг объектиning 80% гача бўлган  
миқдори узоқ муддатли қарз ҳисобига сотиб олиниши назар-  
да тутилади. Бундай битимларда катта миқдорда узоқ муддат-  
ли маблағларга эга бўлган йирик тижорат ва инвестицион  
банклар кредитор бўлиб ҳисобланади. Банклар лизинг битим-  
ларини асосан икки хил усулда молиялаштириши мумкин:

— **қарз бериш усулида** — банк лизинг берувчига битта ли-  
зинг операцияси учун ёки аксарият ҳолларда бир нечта ли-  
зинг шартномаларининг тўлиқ пакети учун кредит беради;

— **мажбуриятларни сотиб олиш** — банк лизинг олувчи-  
ларнинг обрўсини ва лойиҳаларининг самарадорлигини  
ҳисобга олган ҳолда, лизинг берувчидан унинг мижозлари-  
нинг мажбуриятларини регресс ҳуқуқисиз (қайта талаб қилиш  
хуқуқи сақланиб қолмайди) сотиб олади. Банк муассасалари  
лизинг компаниялари билан биргаликда лойиҳани молия-  
лаштиришни ташкил этишда кафил сифатида ҳаракат қила-  
ди. Банк томонидан лизинг берувчига берилган ссудалар-  
нинг қайтариш таъминоти бўлиб лизинг объектлари ва ли-  
зинг тўловлари ҳисобланади.

АҚШда молиявий лизинг битимларининг 85%и юқорида  
қайд этилган лизинг шаклига тўғри келади. Шунингдек, ушбу  
лизинг шакли инвестицион турдаги ижара ёки учинчи то-  
мон иштирокидаги ижара деб ҳам номланган;

— **шартнома асосида ёллаш лизинги** — бу маҳсус лизинг шакли бўлиб, бунда лизинг олувчига машиналарнинг, қишлоқ хўжалик, йўл-курилиш техникалари, тракторлар, автотранспорт во-ситаларининг комплект парклари ижарага берилади;

— **бош лизинг** — лизинг олувчи янги шартнома тузмасдан ижарага олинадиган ускуналарнинг рўйхатини тўлдириш хуқуқига эга бўлади.

## ЛИЗИНГ АҲАМИЯТИ

Охирги 15 йилда ривожланган мамлакатларда лизинг опера-цияларининг ҳажми 5 марта ошган ва уларнинг 30%дан ортиқ инвестицияси лизинг орқали амалга оширилаётганлиги тўғрисида айтиб ўтган эдик. Бу маълумотлар шуни кўрсатиб турибди-ки, лизинг дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаган ва бугунги кунда ҳам ушбу молиявий муносабат-ларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Шу ўрнида адолатли савол туғилади. Нима учун лизингга бўлган эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда? У лизинг ишти-рокчилари ва бутун иқтисодиётни ривожлантиришда қандай афзалликларга эга? Ёки лизинг мўъжизаси нимадан иборат?

Ушбу саволларга батафсил жавоб бериш учун лизинг му-носабатларига микроиқтисодий ва макроиқтисодий жиҳат-дан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Микроиқтисодий омиллар таҳлил қилинганда лизинг муносабатларининг ҳар бир иштирокчиси манфаатларини инобатга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

1. Сотувчи ёки лизинг обьекти ишлаб чиқарувчи товарларни олдиндан берилган буюргмалар асосида сотиш имкониятига эга бўлади ва унинг товарлари бозори чаққон бўлишига олиб келади. Олдиндан берилган талаблар асосида ишлаб чиқаришни аниқ режа асосида бошқариш имкониятлари яратилади.

2. Лизинг олувчи (лизинг обьектидан фойдаланувчи) эса ўз пул маблағларини тежаш учун имкониятлар яратади ёки унинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлайди. Лизинг ишлаб чи-қариш обьектидан самарали фойдаланишга мажбур қиласди, лизинг олувчининг ишлаб чиқариш қувватини оширади. Ли-зинг шарофати билан у мулк соҳибиға айланади.

Бундан ташқари, лизинг талаблари банкдан шу мақсад-ларда кредит олишга қараганда енгил ва лизинг обьекти кре-дит таъминоти сифатида қабул қилиниши мумкин.

3. Лизинг берувчи (лизинг компанияси ёки банклар)нинг даромадли активларини оширади, ундан фойда олиш ва тадбиркорлик фаолиятини рафбатлантиради. Банк учун лизинг, лизинг объекти сүфурталганлыги боис, ссуда амалиётларига қараганда бехатарли активдир ва лизинг тұловларининг мунтазам-лиги уларға барқарор даромад манбаи бұлиб ҳисобланади.

4. Лизинг операциялари тижорат банклари учун қатор афзalліккларга эга, масалан, лизинг операциялари бүйіча бизнес режим тайёрлаш кредитлаш амалиётларига қараганда қулай, чунки лизингде бизнес объекті ва ундан фойдаланиш аниқ бир жараёнга боғлиқдір. Лизинг бүйіча банк маблағларни мақсадға мувофиқ ишлатиши тұла таъминланади. Шунингдек, банкларда лизинг объектини кредит таъминоти сифатида қабул қилиш ҳукуқи мавжудліги ҳам банкка ушбу амалиётлар бүйіча қулайлыklар туғдиради.

Лизингнинг **салбий хусусияти** деб лизинг объектининг бағоси ұзгариши натижасыда лизинг олувчи ва лизинг берувчига бирмунча ноқулайлыklар келиб чиқиши ҳолатини айтиб үтиш зарур. Лекин ушбу муаммолар лизинг шартномасыға құшимча шартлар киритиш орқали ҳал қилинмоқда.

Макроқтисодий жиҳатдан эса мамлакатда инвестиция жараёнини жадаллаштиради, капитал құйилмалар ұажми-ни оширади ва ишлаб чиқаришнинг асбоб-ускуналар билан таъминотини яхшилайды, мавжуд асосий воситалардан фойдаланиш самарасини оширади. Иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш имкониятларини кенгайтиради. Молиявий бозорда банк кредитига нисбатан құшимча рақобат вужудға келтириб, лизингдан фойдаланувчиларга танлов қамровини кенгайтиради. Тасодиғ эмаски, россиялық олим-лар лизингни мамлакатни инвестиция таңглигидан холос этувчи ягона омил сифатида баҳолашмоқда. Ривожланаёт-ган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳамда янги мулқдорлар синфи шаклланишига олиб келади ва бозор муносабатларини чукурлаштиради.

Халқаро лизинг муносабатларининг ҳам үзига хос афзalліклари мавжуд. Чунончи, лизинг бүйіча импорт қилинган хорижий асосий воситалар қиймати мамлакат ташқи балансыда акс эттирилмайды. Бу лизинг олувчи мамлакатнинг молиявий ҳолатини баҳолашда ижобий аҳамият касб этади.

Ууман олганда, лизинг мамлакат иқтисодиётининг ўсишини таъминловчи муҳим бошқариш механизмларидан бири сифатида тан олинган. Айни пайтда, лизинг ёрдамида мамлакатдаги ишсизлик ва ўтиш даврида вужудга келадиган муҳим социал масалаларни ижобий ҳал этиш мумкинлиги тарихдан аён. Маълумки, Лотин Америкасидаги қулдорлик тузуми узоқ сақланиб қолган бир қанча мамлакатларда қулдорликдан воз кечиб, янги ижтимоий тузумга ўтишда, табиийки, қулдорлар ўз қўл остидаги қулларига озодлик беришган. Озодликни катта баҳт деб билган қуллар, бу тадбирдан ўта хурсанд бўлишади. Лекин озгина вақт ўтиши билан улар яна қулликни бажо келтириш учун ўз хўжаларига бош эгиб қайтиб келишади. Чунки озодликка чиққан қуллар ўзларини боқиш ва тирикчилик қилиш учун ҳеч қандай мол-мулкка эга эмас эдилар. Ана шундай қалтис вазифани уддалашда лизинг, яъни ижара муносабатлари қўл келади. Ер ва бошқа қишлоқ хўжалик қуроллари собиқ қулларга ижарага берилади. Шундай қилиб, лизинг бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтишда вужудга келган муҳим масалани ижобий ҳал этади. Ушбу тажриба собиқ социалистик тузумдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар, жумладан, бизнинг республикамизда ҳам самара беради, деган умиддамиз.

### III БҮЛİM

## ЛИЗИНГ АМАЛИЁТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ. ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ ШАРТЛАРИ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Биз юқорида лизинг муносабатларининг назарий ва хуқуқий асосларини ёритдик. Лизингни амалиётга татбиқ этиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўта мураккаб молиявий жараён ҳисобланади. Албатта, лизинг операциялари ҳар бир мамлакатдаги мавжуд қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади. Биз ушбу жараённи республикада лизинг бўйича қонунчилик ҳужжатларига асосланган ва лизинг компаниялари ҳамда тижорат банклари томонидан ўтказилаётган лизинг операциялари тажрибасига таянган ҳамда халқаро амалиётда кенг тарқалган усулларни ҳисобга олган ҳолда ёритишга ҳаракат қиласиз.

Маълумки, лизинг муносабатларида лизинг берувчи бўлмиш лизинг компаниялари ва банклар марказий ўринни эгаллайди. Шу сабабли, мазкур жараённи баён этишда уларнинг фаолиятларига асосий эътибор қаратилади.

Лизинг амалларини бажариш бир неча босқичдан иборат бўлади. Уларни бажарилиш кетма-кетлиги бўйича қуидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Тайёргарлик босқичи.
2. Лизинг битимини юридик расмийлаштириш босқичи.
3. Яқуний босқич.

Тайёргарлик босқичи лизинг компаниялари ёки банклар томонидан лизингга буюртма берган фирма ёки хусусий тадбиркорларнинг тақдим этган ҳужжатларини ўрганиш, улар билан музокаралар ўтказиш, мижознинг молиявий ҳолатини таҳлил этиш, лойиҳанинг самарадорлигини аниқлаш ва шу асосда бўлғуси лизинг битими бўйича дастлабки эксперт хulosасини чиқариш каби тадбирларни ўз ичига олади. Бунда лизинг олувчи томонидан буюртма билан биргаликда қуидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- охирги ҳисобот санасига бўлган бухгалтерия баланси;

- ўзининг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятлари таҳли;

- бутун лизинг муддати давомида пул оқими хомчӯти кўрсатилган бизнес-режа.

Якка тартибдаги тадбиркорлар бутун лизинг муддати давомида фақат пул оқими хомчӯти кўрсатилган бизнес-режа тақдим этадилар.

Юқоридаги ҳужжатлар асосида чуқур таҳлилий тадбирлар ўтказилиб, ижобий хulosса қабул қилинган тақдирда, лизинг берувчи бу ҳақда мижозга лизинг битимининг умумий шартлари кўрсатилган лизинг шартномаси ва бошқа қўшимча маълумотлар илова қилинган ёзма хабарнома жўнатади. Шу билан биринчи босқич ҳисобланган тайёргарлик ишлари якунланади.

Банклар биринчи босқичда кредит беришда бўлғуси қарздорнинг молиявий ҳолати бўйича қандай таҳлилий ишлар ўтказса, лизинг бўйича ҳам айнан шундай ишларни амалга оширади. Лизинг бўйича хulosса банкнинг кредит қўмитаси томонидан берилади.

Шундан сўнг лизинг операцияларининг иккинчи босқичи — лизинг берувчи ва лизинг оловчи ўртасида лизинг битимларини расмийлаштириш жараёни бошланади. Лизинг битими қуйидаги уч ҳужжатни ўз ичига олади:

1. Лизинг берувчи ва лизинг оловчи ўртасида тузиладиган «лизинг шартномаси».

2. Лизинг берувчи билан сотувчи ўртасида тузиладиган «олди-сотди шартномаси».

3. Лизинг берувчи, лизинг оловчи ва сотувчи ўрталарида тузиладиган «қабул қилиш далолатномаси».

Лизинг оловчи лизинг берувчи томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб, лизинг битими шартларига рози бўлган тақдирда умумий шартлар белгиланган лизинг шартномасига имзо чекиб, уни илова қилган ҳолда, ёзма жавоб тақдим этади. Ушбу жавоб лизинг шартномаси расман тузилаганини билдиради. Лекин ушбу ҳужжат иккинчи босқич тўла якунлангандан сўнг, яъни қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнггина кучга киради.

Лизинг берувчи лизинг оловчининг розилигини олгандан сўнг сотувчига ускуналарни етказиб бериш учун буюртма-наряд жўнатади ва унга ишларни бажариш шартлари белгиланган техник топшириқ (талабнома) ва бошқа ҳужжатлар илова

қилинади. Айрим ҳолатларда лизинг берувчи буюрт-ма-наряд үрнига мол етказиб беришнинг умумий шартлари кўрсатилган ва лизинг олувчининг имзоси билан розилиги ифодаланган олди-сотди шартномасини юбориши мумкин.

Шундан сўнг лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида лизинг предметига оид олди-сотди шартномаси тузилади.

Лизинг берувчи томонидан шартномада белгиланган тартибда лизинг обьектини сотувчидан олиб, лизинг олувчига етказиб бериш ва үрнатиш, шунингдек, лизинг ускуналари ни эксплуатацияга қабул қилиш билан боғлиқ жараёнлар амалга оширилади ва қабул қилиш далолатномаси имзоланади.

Фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси лизинг олувчи томонидан расмийлаштирилади, уни битимга қатнашувчи барча томонлар: лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи имзолайдилар. Шундан сўнг мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи лизинг берувчига ўтган ва лизинг битими тузиш ишлари амалга оширилган ҳисобланади.

Лизинг шартномаси кучга кирган кунидан то унинг муддати тугагунга қадар учинчи якуний босқич давом этади. Ушбу босқичда шартнома шартларининг бажарилиши устидан томонлар назорат үрнатади. Агар шартнома шартлари бузилмаса, якуний босқич шартнома муддатига мос равища ниҳоясига этади. Шартнома шартлари бузилган ҳолларда, масалан, лизинг тўловларини ўз вақтида тўламаганлиги учун лизинг обьектини лизинг берувчи томонидан олиб қўйиш ёки лизинг обьектининг муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келиши каби ҳолатларда у шартнома муддатидан олдин ўз якунини топиши мумкин. Борди-ю, шартнома муддатигача лизинг олувчи лизинг берувчи олдидаги ўз мажбуриятларини тўла бажармаган ҳолларда, ушбу низолар тўла ҳал қилингунгача якуний босқич давом этади.


Демак, лизинг муносабатлари юқорида кўрсатилган уч босқичли жараёнларни ўз ичига олса, лизинг битими эса уч хужжатни расмийлаштиришдан иборат бўлади. Ушбу жараёнларни қўйида келтирилган схемалар орқали ифодалаш мумкин:

1. Лизинг олувчи лизинг берувчи банкка буюртма беради.

2. Лизинг берувчи банк буюртмани ўрганиб, ижобий хулоса қабул қилган тақдирда, лизинг берувчига асосий шартлари белгиланган лизинг шартномасини юборади.

3. Лизинг олувчи шартнома шартларига рози бўлган тақдирда, лизинг шартномасини имзолаб, лизинг берувчига юборади.

## Банклар томонидан амалга ошириладиган лизинг операциялари бажарилиш жараёнининг кетма-кетлигини ифодаловчи кенгайтирилган схема



4. Лизинг оловучи ва лизинг берувчи ўртасида лизинг шартномаси тузилади.

5. Лизинг берувчи банк сотувчига буюртма-наряд жўнатади.

6. Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида олди-сотди шартномаси тузилади.

7. Лизинг берувчи банк лизинг обьекти ҳақини сотувчига тўлайди.

8. Сотувчи лизинг обьектини лизинг оловчига юборади.

9. Лизинг оловучи билан суурта компанияси ўртасида сугурта шартномаси тузилади.

10. Лизинг оловучи лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлайди.


11. Лизинг шартномаси тугагандан сўнг лизинг обьекти лизинг оловчига қолдирилади.

12. Агар лизинг берувчи лизинг компанияси бўлиб, лизинг обьектини ўз маблағлари ҳисобига тўлаб берган ҳолларда, лизинг операцияларини бажариш жараёни худди юқорида ифодаланган схема бўйича амалга оширилади. Борди-ю, лизинг компанияси лизинг операцияларини банк кредити ҳисобига амалга оширган тақдирда, унинг бажарилиш жараёни куийидаги схема бўйича олиб борилади:

1. Лизинг оловучи лизинг берувчига буюртма буюради.

2. Лизинг берувчи буюртмани ўрганиб, ижобий хулоса ишбул қилган тақдирда, лизинг берувчига асосий шартлари белгиланган лизинг шартномасини юборади.

**Лизинг операцияларининг банк кредити ҳисобига  
бажарилиш жараёнининг кетма-кетлигини  
ифодаловчи кенгайтирилган схема**



3. Лизинг оловчи шартнома шартларига рози бўлган тақдирда, лизинг шартномасини имзолаб, лизинг берувчига юборади.

4. Лизинг оловчи ва лизинг берувчи ўртасида лизинг шартномаси тузилади.

5. Лизинг берувчи сотувчига буюртма-наряд жўнатади.

6. Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида олди-сотди шартномаси тузилади.

7. Лизинг берувчи билан банк ўртасида кредит шартномаси тузилади.

8. Лизинг берувчи банк кредити ҳисобига лизинг обьекти ҳақини сотувчига тўлайди.

9. Сотувчи лизинг обьектини лизинг оловчига юборади.

10. Лизинг оловчи билан суғурта компанияси ўртасида суғурта шартномаси тузилади.

11. Лизинг оловчи лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлайди.

12. Лизинг шартномаси тугагандан сўнг лизинг обьекти лизинг оловчига қолдирилади.

13. Лизинг берувчи банкка кредит ва фоизларни тўлайди.

Лизинг иштирокчиларига амалий ёрдам сифатида бугунги кунда Республика амалиётида кенг тарқалган «олди-сотди» ва «лизинг» шартномасининг намунавий шаклини иловла қиласиз (2- ва 3-иловалар).

Шу билан бирга, мазкур ҳужжатлар мавжуд вазиятни ҳисобга олган ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган колда ушбу иловаларда келтирилган намунавий шакллардан фарқ қилувчи шартномалар тузиш мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Лекин ҳар қандай шароитда ҳам лизинг шартномасида қуйидаги шартлар, албатта, қайд этилиши лозим бўлади:

1. Мол етказиб бериш муддати.
  2. Лизинг обьектининг номи ва таснифи.
  3. Лизинг шартномаси муддати.
  4. Лизинг берувчи ва лизинг олувчининг мулкка бўлган хукуқлари.
  5. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари.
  6. Лизинг обьектидан фойдаланиш шартлари.
  7. Лизинг обьекти бутлигини таъминлаш ва таъмирлаш.
  8. Кутилмаган ҳодисалар натижасида лизинг обьектининг шикастланиши ва жисмонан йўқ бўлиш ҳолатлари.
  9. Лизинг обьектини қайтариш ва сотиб олиш шартлари.
  10. Суғурталаш масалалари.
  11. Лизинг тўловларини бажариш шартлари.
  12. Лизинг тўловларини кечикириш натижасида қўлланиладиган жарималар.
  13. Шартномани бекор қилиш шартлари.
  14. Шартнома шартлари бажарилишини кечикириш мумкин бўлган ҳолатлар.
  15. Низоларни ҳал этиш ва арбитраж масалалари.
  16. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар.
  17. Кутилмаган вазиятларнинг вужудга келиши билан боғлиқ ҳолатлар.
  18. Маълумотлар алмашиш ва ҳисботлар тақдим этиш шартлари.
  19. Масъул шахсларнинг имзолари ва фирма муҳри.
  20. Томонларнинг жойлашган ўрни.
  21. Илова қилинган қўшимча маълумотлар рўйхати.
  22. Қолдиқ қиймат кафолати.
  23. Банклар томондан берилган кафолат.
- Шунингдек, шартномада иштирокчиларнинг бошқа хукуқ ва мажбуриятлари ҳамда лизинг шартномасини ёпиш тартиби баён этилиши мумкин.

## ЛИЗИНГ ТҮЛОВИ ВА УНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

Лизинг түлови лизинг амалиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, у ўзида лизинг субъектларининг туб манфаатларини ифодалайди. Лизинг муносабатларининг самарали кечиши ва унинг ижобий якун топиши лизинг түловларининг қанчалик түғри йўлга қўйилишига боғлиқдир. Шу сабабли лизинг түловлари суммасини түғри аниқлаш ва уни ўз вақтида амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Түғри, ривожланган мамлакатларда лизинг түловлари билан боғлиқ амалиётларни бажариш бўйича катта тажриба тўпланган. Лекин лизинг түловлари ҳар бир мамлакатнинг ички қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилганлиги боис, лизинг түловлари таркибини аниқлаш, унинг суммасини ҳисоблаш ва тўлов даврини түғри белгилашда қайси усулни қўллаш масаласи ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Лизинг түловлари суммаси — лизинг обьекти қийматининг ҳаммаси ёки кўп қисми (амортизация ажратмаларидан), лизинг обьектини сотиб олиш учун қилинган жами воситачилик харажатлари, шунингдек, лизинг обьектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бошқа қўшимча харажатлар ҳамда лизинг берувчининг даромади бўлмиш лизинг ставкаси (кредит учун фоиз)дан иборат бўлади. Лизинг түловлари таркибига лизинг берувчи томонидан лизинг шартномаси шартларига мувофиқ, лизинг обьектини суғурталашга тўланган суғурта тўловлари ҳам киритилиши ёки уни қуидаги формула билан изоҳлаш мумкин:

$$ЛТ = АА + КФ + ВХ + КХ + СТ,$$

бунда, ЛТ — жами лизинг тўловлари; АА — лизинг берувчига тўлаш учун ҳисобланадиган амортизация ажратмалари; КФ — кредит маблағлари учун тўланадиган фоизлар ёки лизинг ставкаси; ВХ — лизинг берувчига лизинг обьектини сотиш билан боғлиқ воситачилик харажатлари; КХ — лизинг берувчига лизинг обьектини етказиб бериш бўйича қилинган қўшимча харажатлар; СТ — суғурта тўловлари.

Энди лизинг тұловларини ташкил этувчи ҳар бир элементни амалдаги қонунчилік ҳужжатлари асосида ҳисоблаш тартибини күриб чиқамиз.

Лизинг тұловининг асосий қисмини амортизация ажратмалари ташкил этади. Амортизация ажратмалари фойдаланылаётгандын лизинг объектининг жисмонан ва маңнавий эскириши натижасида йүқотилған қийматни қолповчы асосий манба ҳисобланади. Амалиёттә амортизация ажратмалари суммаси қуидагыда ҳисобланади:

$$AA = \frac{BK \times H}{100} T,$$

бунда,  $BK$  — лизинг объектининг баланс қиймати;  $H$  — амортизация ажратмалари нормаси (эскириш коэффициенти);  $T$  — лизинг шартномаси муддати.

Мисол учун, 2001 йилда РАТБ «Галлабанк» томонидан «Олтин бошоқ» корхонасига баланс қиймати 10000 минг сүмлик автомашина 4 йил муддатта лизингге берилған бўлсин. Агар автомашиналарнинг йиллик эскириш коэффициенти 20% эканлиги инобатга олинса, амортизация ажратмалари суммаси тўрт йилга 8000 минг сўмга teng бўлади ( $10000 \times 0,20 \times 4 = 8000$ ).

Лизинг ставкаси лизинг берувчи томонидан ижарага олган мулқдан фойдаланганлиги учун тўланадиган ҳақ бўлиб, у лизинг берувчининг даромади ҳисобланади. Лизинг ставкасининг мазмuni қарзга олинган маблағлар (ссудалар) учун тўланадиган фоизлар билан бир хилдир. Шу сабабли унинг суммаси фойдаланилган кредит учун фоиз ҳисоблаш тартибига монанд равишда аниқланади:

$$KF = \frac{KM \times FC}{100},$$

бунда,  $KM$  — кредит ҳажми;  $FC$  — фоиз ставкаси даражаси.

Юқоридаги мисол бўйича  $KM$  — кредит ҳажми лизингга берилған автомашинанинг баланс қийматига, яъни 10000 минг сўмга teng бўлади. Агар банк кредитлари бўйича қарор топган ўртача фоиз ставкаси даражаси ( $FC$ ) 8% га teng бўлса,

лизинг ставкаси суммаси түрт йилга 3200 минг сүмга тенг бўлади ( $10000 \times 0,08 = 800 \times 4 = 3200$ ).

Маълумки, лизинг берувчи — лизинг компаниялари ёки банклар лизинг объектини сотиб олиш билан боғлиқ маркетинг, транспорт ва ходимларга иш ҳақи тूлаш каби харажатларни амалга оширади. Ушбу харажатлар воситачилик харажатлари бўлиб, у лизинг тўловларининг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу харажатлар лизинг берувчига лизинг олувчи томонидан тўланадиган хизмат кўрсатиш мукофоти ҳам дейилади. Воситачилик харажатларининг миқдори қўйидагича аниқланади:

$$BX = \frac{KM \times BC}{100},$$

бунда, КМ — кредит ҳажми; ВС — воситачилик харажатлари ставкаси. У умумий воситачилик харажатлари суммаси ни тўлов даврига бўлиб топилади ( $BX : T$ ).

Юқоридаги мисол бўйича воситачилик ставкаси даражаси (ВС) йиллик  $0,2\%$  га тенг бўлса, воситачилик харажатлари суммаси 80 минг сүмга тенг бўлади ( $10000 \times 0,002 = 20 \times 4 = 80$ ).

Бундан ташқари, лизинг берувчи лизинг объектини сақлаш, уни лизинг олувчига етказиб бериш, ўрнатиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича ходимларни ўргатиш ва турли маслаҳатлар бериш каби кўшимча харажатлар қиласди. Кўшимча харажатлар ўз ичига қўйидагиларни олади:

$$KX = CX + KX + RX + BX,$$

бунда, СХ — хизмат сафари харажатлари; КХ — кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлар; Р — реклама харажатлари; BX — бошқа харажатлар.

Агар КХ — кўшимча харажатлар суммаси 60 минг сүмни ташкил этган бўлса, юқоридаги мисол бўйича жами лизинг тўловлари суммаси 11340 минг сүмга тенг бўлади ( $8000+3200+80+60 = 11340$ ).

Лизинг тўловларининг муддати томонларнинг келишувига мувофиқ маълум даврларга бўлиниши, одатда, ҳар ойга, ҳар чоракка ва йилга бўлиб ўрнатилиши мумкин. Лизинг тўловлари суммаси шартномада белгиланган ҳар бир айрим давр учун қўйидагича топилади:

- йиллик тўловлар учун — ЛТ : Т;
- чораклик тўловлар учун — ЛТ : Т : 4;
- ойлик тўловлар учун — ЛТ : Т : 12.

Юқоридаги мисолда топилган жами лизинг тўлови суммаси даврлар бўйича қўйидагича топилади:

- йиллик тўловлар учун —  $11140 : 4 = 2785$  минг сўм;
- чораклик тўловлар учун —  $11140 : 4 : 4 = 696,2$  минг сўм;
- ойлик тўловлар учун —  $11140 : 4 : 12 = 232$  минг сўм.

Бугунги кун амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан, лизинг олувчи лизинг тўловларини амалга ошираётганида, унинг амортизация ажратмаларига, фоизларга, воситачилик ва қўшимча тўловларга алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолдаги ёйилмасини илова қилиши шарт.

Лизинг тўловлари келиб тушганидан кейин, банк унинг ёйилмасига мос равишда бухгалтерлик ўтказмаларини амалга оширади: амортизация ажратмалари лизинг ҳисоби юритиладиган ссуда ҳисобварафинг кредитига ўтказиш орқали кредитни тўлашга йўналтирилади; лизинг учун фоиз, воситачилик ҳақи ва бошқа тўловлар банк даромадига қўшилади. Юқоридаги мисолда биринчи йил учун «Олтин бошоқ» корхонаси РАТБ «Фаллабанк»ка жами 2785 минг сўм лизинг тўловлари ўтказади, ушбу сумманинг 2000000 сўми амортизация ажратмаси бўлиб, 785 минг сўми эса банк даромадига олиб борилади, яъни:

Д-т 2785 минг сўм, лизинг олувчи — «Олтин бошоқ» корхонаси ҳисобварафи ёки банк вакиллик ҳисобварафи (лизинг тўловларининг умумий суммасига).

К-т 2000000 сўм, ссуда ҳисобварафи (амортизация ажратмаси суммасига);

К-т 785 минг сўм, банкнинг даромадлар ҳисобварафи (фоиз суммаси, воситачилик ва бошқа харажатлар суммасига);

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, лизинг тўловлари лизинг шартномаларидаги келишувларга мувофиқ, ҳар бир айрим ҳолатлар бўйича турлича ҳисобланиши мумкин. Масалан, айрим ҳолларда лизинг олувчига имтиёзли давр белгиланиши, баязи ҳолларда лизинг тўловини кечиктириб тўлашга келишилади.

Ривожланган мамлакатларда эса лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан томонлар келишувига мувофиқ тузилган ва лизинг шартномасининг ажралмас қисми бўлган жадвалга мувофиқ амалга оширилади. Аксарият ҳолларда лизинг тўловлари унинг барча элементларини қамраб олган ягона

аннуитет формуласи\* орқали топилади. Ушбу формула қўйидаги қўринишга эга:

$$ЛТС = АС \frac{КФ : Т}{1 - 1 : (1 + КФ : Т)^{T \times M}},$$

бунда, ЛТС — лизинг тўловлари суммаси; АС — амортизация ажратмалари суммаси; КФ — лизинг ставкаси; Т — тўлов даври; М — лизинг шартномаси муддати.

Ушбу формула ўзида чизиқли график хусусиятини ифодалаб, у лизинг тўловлари суммаси шартнома муддати тутагунга қадар ўзгармас катталикда сақланишини талаб этади.

Лекин бозор иқтисодиёти шароитида мазкур доимий микдорни белгиловчи айрим элементлар ўзариши мумкин. Масалан, лизинг объектиning қиймати ва фоиз ставкалари ана шундай ўзгарувчан микдорлар сирасига киради. Лизинг шартномаси шартларида мазкур ўзаришлар ҳисобга олинishi қўзда тутилган тақдирда, лизинг тўловлари суммасини ҳисоблашда иккита тузатувчи коэффициент қўлланилади.

Биринчи тузатувчи коэффициент ( $K_1$ ), бу дисконтили кўпажовчи формула бўлиб, ундан лизинг объектиning ўзгарган қолдиқ суммасига нисбатан лизинг тўловлари суммасини аниқлашда фойдаланилади:

$$K_1 = \frac{1}{1 + \bar{K} \times 1 : (1 + КФ : Т)^{T \times M}},$$

бунда,  $\bar{K}$  — лизинг объектиning қолдиқ қиймати.

Иккинчи тузатувчи коэффициент ( $K_2$ ) эса лизинг тўловларининг шартномада кўрсатилган қисми олдиндан бўнак тўлови асосида амалга оширилган ҳолатларда қўлланилади:

\*Аннуитет бир хил микдордаги тўловлар teng оралиқ даврларда мунтазам равищда амалга ошириладиган тўлов усулидир. Бунда маълум суммадаги тўловлар ҳар ой ёки ҳар чоракда ҳисоблаб, тўлаб борилади. Ривожланган мамлакатларда аннуитет усулида тўловларни амалга ошириш бўйича маҳсус жадваллар ишлаб чиқилган, ушбу жадваллар 4- ва 5-иловаларда келтирилган. 4-илова оддий ёки кўшимча шартларсиз аннуитет, 5-илова эса мураккаб аннуитет бўлиб, унда тўловларни амалга оширища кўшимча шартлар киритилган бўлади.

$$K_2 = \frac{1}{1 + K\Phi : T}.$$

Башарти, лизинг тўловлари суммасини ҳисоблашда ҳар иккала тузатувчи коэффициент қўлланилган тақдирда, лизинг тўловларининг якуний суммаси дастлабки ҳисобланган лизинг тўловлари суммасини иккала коэффициентга кўпайтириш натижасида ҳосил қилинади, яъни:

$$YC = LTC \times K_1 \times K_2,$$

бунда,  $YC$  — якуний сумма.

Бугунги кунда аннуитетнинг анча соддалашган формуулари қўлланилмоқда.

Масалан, оддий аннуитетнинг бўлгуси қиймати қўйидаги формула билан ҳисобланмоқда:

$$FV = R \times \left\{ \left[ 1 - \frac{1}{(1+i)^n} \right] / i \right\},$$

бунда,  $i$  — фоиз ставкаси;  $n$  — даврлар сони;  $R$  — даврлараро тўлов суммаси;  $FV$  — бўлгуси қиймат.

Оддий аннуитетнинг жорий қиймати қўйидаги формула билан ҳисобланмоқда:

$$PV = R \times \left\{ \left[ 1 - \frac{1}{(1+i)^n} \right] / i \right\},$$

бунда,  $i$  — фоиз ставкаси;  $n$  — даврлар сони;  $R$  — даврлараро тўлов суммаси;  $PV$  — жорий қиймат.

Лизинг тўловларини халқаро андозалар асосида амалга ошириш ўзига хос хусусиятларга эга. Шу сабабли лизинг тўловларининг халқаро андозалар бўйича бухгалтерия ҳисоби юритиш қоидалари кейинги мавзуда батафсил берилади.

## **ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР БЎЙИЧА БУХГАЛЬТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ**

Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уни молиявий ҳисботларда акс эттириш масалалари алоҳида илмий изланишни талаб қиласида ёки мустақил мавзу ҳисобланади. Шу сабабли мазкур масалани ушбу кичкина китобда ҳар томонлама таҳлил этиш ва атрофлича ёритиш имкониятлари мавжуд эмас.

Биз лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш Республика тадбиркорлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, ушбу масаланинг бухгалтерия ҳисоби халқаро андозалари талаблари асосида юритиш тартибини бериш билан чегараланамиз. Мазкур амаллар ўқувчига қулай ва тушунарли бўлиши учун, улар лизинг олувчи ва лизинг берувчи фаолиятлари бўйича бўлинган ҳолда алоҳида тақдим этилади.

Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини халқаро андозалар бўйича юритишида куйидаги иборалар қўлланилганлиги боис, уларга тушуниришлар бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

♦ **минимал лизинг (ижара) тўловлари** — лизинг олувчи томонидан ижара муддати давомида амалга ошириладиган тўловлар суммаси (хизмат кўрсатиш харажатлари ва солиқ тўловларидан ташқари);

♦ **ялпи ижара инвестицияси** — минимал лизинг (ижара) тўловлари суммаси билан кафолатланмаган қолдиқ суммаси йифиндиси;

♦ **соф ижара инвестицияси** — ялпи ижара инвестицияси суммаси билан тўланмаган молиявий даромадлар суммаси ўртасидаги фарқ (айирмаси);

♦ **шартли лизинг тўловлари** — лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасидаги келищувга биноан, лизинг тўловлари суммаси аниқ белгиланмасдан, шартнома муддати давомида бозор конъюнктураси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиб бориладиган тўловлар суммаси;

♦ **кафолатланган қолдиқ сумма** — лизинг тўловларига киритилган ва шартнома муддати тугагандан кейин лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўлаб бериши кафолатланган сумма;

♦ **кафолатланмаган қолдиқ сумма** — лизинг тўловларига киритилмаган ва шартнома муддати тугагандан сўнг лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига лизинг обьектининг қолдиқ қийматини тўлаб бериши кафолатланмаган сумма;

♦ **ҳақиқий қиймати** — лизинг обьектининг бозор қиймати бўлиб, уни яхши биладиган шахслар томонидан келишилган нархда сотиб олиш мумкин бўлган баҳоси;

♦ **минимал лизинг (ижара) тўловларининг жорий қиймати** — бўлғуси лизинг (ижара) тўловлари суммасининг дисконтилаштирилган миқдори;

♦ тұлғанмаган молиявий даромадлар — ялпи ижара инвестицияси суммаси билан соғ ғана инвестиацияси суммаси прасидаги фарқ (айирмаси).

Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби Молиявий ҳисоботлар халқаро андозаларининг 17-шаклига мувофиқ амалга оширилади.

### **Лизинг олувчи томонидан халқаро андозалар бүйича лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларда акс эттириш тартиби**

Лизинг бүйича ижарага олинган мол-мulkнинг ҳисоби лизинг олувчининг балансида асосий восита сифатида юритилади ҳамда корхона тасарруфидаги бошқа асосий воситалар қаторида унга амортизация ажратмалари ҳисобланади ва қонунчилікда күзде тутилған ҳолларда мулк солиги тұлана-ди. Ёки лизинг объектининг ҳисоби лизинг олувчининг үз мулки тариқасида амалга оширилади.

Балансда лизинг объектининг қыймати, унинг ҳаққоний (бозор) қыймати ва шартномада белгиланған жорий лизинг түловлари миқдорининг қайси бири паст бўлса, ўша суммада акс эттирилиши лозим. Шу билан биргалиқда, лизинг объекти қыйматига лизинг берувчи томонидан уни балансга қабул қилгунча амалга оширган бевосита ҳаражатлари ҳам қўшилади.

Лизингга олинган ускуналар лизинг олувчи томонидан балансда сотиб олинган активлар ва қабул қилинган мажбуриятлар сифатида акс эттирилади. Лизинг объекти қабул қилиш далолатномаси имзоланғандан сўнг, лизинг олувчи томонидан балансга қабул қилинади.

Ўқувчига тушунарли бўлиши учун ушбу мураккаб жараённи яна мисол билан тушунтирамиз. РАТБ «Фаллабанк» 2001 йилда баланс қыймати 10000 минг сўмлик компютерни 5 йил муддатга АТБ «Алоқабанк»ка молиявий лизинг бүйича ижарага берган. Йиллик лизинг түловлари суммаси 3000 минг сўм ва фоиз ставкаси 15,24% қилиб белгиланған.

Лизинг олувчи бўлмиш АТБ «Алоқабанк» баланс қыймати 10000 минг сўмлик компютерни қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали балансга қабул қиласи:

Д-т «Молиявий (капитал) ижарага қабул қилинган ускуналар» ҳисобвараги 10000 минг сўм;

К-т «Молиявий (капитал) ижара бўйича мажбуриятлар» ҳисобварағи 10000 минг сўм.

Лизинг шартномасига мувофиқ, АТБ «Алоқабанк» лизинг тўловларини амалга ошириши лозим. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига асосан, лизинг тўловлари лизинг олувчининг фаолияти нуқтаи назаридан икки қисмга — асосий қарз мажбуриятларини тўлаш ва молиявий харажатларга бўлинди. Молиявий харажатлар фоиз тўловлари суммасидан иборат бўлиб, унинг миқдори лизинг объектининг баланс қиймати билан умумий лизинг тўловлари ўргасидаги фарқقا teng бўлади.

Юқоридаги мисол бўйича молиявий харажатларнинг умумий суммаси 5000 минг сўмга teng бўлади, чунки умумий лизинг тўловлари суммаси 15000 минг сўм ( $3\ 000 \times 5 = 15000$ ), лизинг объектининг баланс қиймати эса 10 000 минг сўмга tengдир, яъни  $15000 - 10000 = 5000$ .

Молиявий харажатлар суммаси умумий ижара муддатига мутаносиб равишда шундай тақсимланадики, бунда фоиз ставкасининг даражаси ҳар бир тўлов даври учун бир хил ўзгармас даражада сақлаб қолинади. Ёки биринчи ва энг охирги лизинг тўловларида қўлланилган фоиз ставкасининг даражаси бир-бирига teng бўлади.

Юқоридаги мисол бўйича АТБ «Алоқабанк»да молиявий харажатлар ва асосий қарз мажбуриятларини тўлаш беш йил давомида қўйидагича тақсимланади:

Сана	Йиллик лизинг тўлови	Молиявий харажатлар (фоиз 15,24%)	Тўланган қарз мажбурияти суммаси	Тўланмаган қарз мажбурияти қолдиги
2001 йил	3000,0	1524	1476	10000
2002 йил	3000,,0	1299	1701	8524
2003 йил	3000,0	1040	1960	6823
2004 йил	3000,0			
2005 йил	3000,0	741 396	2259 2604	4863 2604
Жами	15000,0	5000,0	10000,0	0

2001 йилда жами тўланмаган мажбурият 10000 минг сўмга teng эди, йил давомида жами 3000 минг сўм лизинг тўловлари ҳисобланиши лозим, шундан 1524 минг сўми ( $10000 \times 15,24\% = 1524$ ) молиявий харажатлардан ва 1 476 минг сўми ( $3000 - 1524 = 1476$ ) — тўланган қарз мажбуриятларидан иборат.

2002 йилда жами тўланмаган мажбурият 8524 минг сўмга тенг бўлади ( $10000 - 1476 = 8524$ ), йил давомида жами 3000 минг сўм лизинг тўловлари ҳисобланиши лозим, шундан 1299 минг сўми ( $8524 \times 15,24\% = 1299$ ) молиявий харажатлардан ва 1701 минг сўм ( $3000 - 1299 = 1701$ ) тўланган қарз мажбуриятларидан иборат.

2003 йилда жами тўланмаган мажбурият 6 823 минг сўмга тенг бўлади ( $8524 - 1701 = 6823$ ), йил давомида жами 3000 минг сўм лизинг тўловлари ҳисобланиши лозим, шундан 1040 минг сўми ( $6823 \times 15,24\% = 1040$ ) молиявий харажатлардан ва 1960 минг сўм ( $3000 - 1040 = 1960$ ) тўланган қарз мажбуриятларидан иборат.

2004 йилда жами тўланмаган мажбурият 4863 минг сўмга тенг бўлади ( $6823 - 1960 = 4863$ ), йил давомида жами 3000 минг сўм лизинг тўловлари ҳисобланиши лозим, шундан 741 минг сўми ( $4863 \times 15,24\% = 741$ ) молиявий харажатлардан ва 2259 минг сўм ( $3000 - 741 = 2259$ ) тўланган қарз мажбуриятларидан иборат.

2005 йилда жами тўланмаган мажбурият 2604 минг сўмга тенг бўлади ( $4863 - 2259 = 2604$ ), йил давомида жами 3 000 минг сўм лизинг тўловлари ҳисобланиши лозим, шундан 396 минг сўми ( $2604 \times 15,24\% = 396$ ) молиявий харажатлардан ва 2604 минг сўм ( $3000 - 396 = 2604$ ) тўланган қарз мажбуриятларидан иборат.

Шундай қилиб, жами беш йил давомида АТБ «Алоқабанк» томонидан 5000 минг сўмлик молиявий харажатлар ва 10000 минг сўмлик асосий қарз мажбуриятлари шартнома муддатларида тўланади.

АТБ «Алоқабанк» томонидан молиявий харажатлар суммаси мумий ижара муддатига мутаносиб равишда шундай тақсимлантики, бунда фоиз ставкасининг даражаси ҳар бир тўлов даври чун бир хил — 15,24% миқдорда ўзгармас даражада сақлаб қолинди. Ушбу тўловлар аннуитет усулида амалга оширилган, яъни ҳар ичили 3 000 минг сўм миқдорида тўловлар ўтказиб борилган.

Биз ўқувчига тушунарли бўлиши учун тўлов даврини шартли равишда бир йил қилиб белгиладик. Амалдаги тамойилларга асосан эса молиявий харажатлар ҳар ойда, албатта, ҳисобланиши лозим ва шартномада белгиланган муддатларда тўланади. Асосий қарзни тўлаш ва лизинг обьекти бўйича амортизация скратмалари ҳисоблаш ҳам шундай тартибда амалга оширилади.

Маълумки, молиявий харажатлар бухгалтериянинг ҳисоблаш усулида олдин ҳисобланади, сўнгра тўланади. Ёки бунда скритика бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Молиявий харажатлар ҳисобланганда амалга ошириладиган бухгалтерия үтказмаларини ҳам юқоридаги АТБ «Алоқабанк» мисолида күриб чиқамиз. 2001 йил учун АТБ «Алоқабанк» томонидан қуидаги бухгалтерия амаллари бажарилади:

Д-т «Молиявий (капитал) ижара бўйича харажатлар» ҳисобварафи 1524 минг сўм;

К-т «Тўлаш учун ҳисобланган фоизлар» ҳисобварафи 1524 минг сўм.

Лизинг тўловлари нафақат молиявий харажатларни, балки шу муддатларда тўланадиган асосий қарз суммасини ҳам ўз ичига олади. Асосий қарз суммасини тўлаш молиявий харажатларни тўлаш билан бир вактда амалга оширилади. Одатда, лизинг тўловлари ҳар ойда мунтазам равишда тўлаб борилади.

Лизинг тўловларини бажаришда қуидаги бухгалтерия үтказмаси амалга оширилади:

Д-т «Тўлаш учун ҳисобланган фоизлар» ҳисобварафи 1524 минг сўм;

Д-т «Молиявий (капитал) ижара бўйича мажбуриятлар» ҳисобварафи 1476 минг сўм;

К-т Касса ёки лизинг берувчининг ҳисобварафи 3 000 минг сўм.

Лизинг тўловлари шартномада белгиланган муддатларда мунтазам равишда юқоридаги бухгалтерия амаллари орқали амалга оширилади ва йил якунида молиявий ҳисоботларда тўла акс эттирилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, АТБ «Алоқабанк» томонидан лизингта олинган компьютерга амортизация ажратмалари ҳам ажратилиб борилиши лозим. АТБ «Алоқабанк» ўз тасарруфидаги бошқа асосий воситаларга қандай тартибда амортизация ажратса, лизингта олган компьютерга ҳам шундай тартибда амортизация ажратмалари амалга оширади. Амортизация ажратмалари ҳисобланганда, қуидаги бухгалтерия амаллари бажарилади:

Д-т «Амортизация харажатлари» ҳисобварафи 2000 (10000:5) минг сўм;

Д-т «Молиявий (капитал) ижара бўйича амортизация жамғармаси» ҳисобварафи 2000 минг сўм.

Ушбу мисол бўйича АТБ «Алоқабанк» томонидан шартнома муддати давомида лизинг объекти тўлиқ амортизация қилинади ва у қуидаги бухгалтерия амаллари ёрдамида банк балансидан чиқарилади:

Д-т «Молиявий (капитал) ижара бўйича амортизация жамғармаси» ҳисобварафи 10000 сўм;

К-т «Молиявий (капитал) ижарага қабул қилинган ускуналар» ҳисобварафи 10000 минг сўм.

Борди-ю, шартнома муддати тугагандан сўнг лизинг обьектиning қолдиқ суммаси мавжуд бўлса, у лизинг олувчининг мулкига ўтиши лозим ва лизинг бўйича қўлланилган ҳисобварақлар беркилади. Ушбу жараён сўнгги лизинг тўловларини бажариш билан бир вақтда амалга оширилади ва қуидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Д-т «Асосий воситалар» ҳисобварафи (умумий суммага);

Д-т «Молиявий (капитал) ижара бўйича амортизация жамғармаси» ҳисобварафи (қолдиқ суммага);

К-т «Молиявий (капитал) ижарага қабул қилинган ускуналар» ҳисобварафи (умумий суммага);

К-т «Асосий воситалар бўйича амортизация жамғармаси» ҳисобварафи (қолдиқ суммага).

Ушбу амаллар бажарилиши билан лизинг обьекти лизинг олувчининг мулкига ўтади ва молиявий ҳисоботларда шу тарзда акс эттирилади.

### **Лизинг берувчи томонидан халқаро андозалар бўйича лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларда акс эттириш тартиби**

Лизинг обьекти лизинг берувчининг балансида асосий восита сифатида эмас, балки дебитор қарз сифатида соф ижара инвестиция харажатлари суммасига teng қийматда акс этиши лозим. Соф ижара инвестиция харажатлари лизинг обьектини сотиб олиш ва лизинг берувчига етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Соф ижара инвестиция харажатлари суммаси билан лизинг тўловлари суммаси ўртасидағи фарқ лизинг берувчининг даромади ҳисобланади.

Лизинг берувчи лизинг обьектини сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузганда, қуидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Д-т «Олдиндан тўланган активлар» ҳисобварафи;

К-т Касса.

Қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг лизинг компанияларида қуидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Д-т «Молиявий ижарага (капитал) берилган кредитлар» ҳисобварағи;

К-т «Олдиндан тұланған активлар» ҳисобварағи.

Банкларда эса «Олдиндан тұланған активлар» ҳисобварағидан ссуда ҳисобварағига кирим қилинади.

Борди-ю, тұлов қабул қилиш далолатномаси тузилгандан сұнг амалга оширилған тақдирда, қуидаги бухгалтерия амаллари бажарилади:

Д-т «Молиявий ижарага (капитал) берилған кредитлар» ҳисобварағи;

Д-т «Молиявий (капитал) ижарага қабул қилинған ускуналар» ҳисобварағи;

К-т «Молиявий (капитал) ижарага қабул қилинған ускуналар» ҳисобварағи;

К-т Касса.

Ушбу мұраккаб жараён ўқувчига тушунарлы бүлиши учун яна мисолға мурожаат қиласыз. РАТБ «Фаллабанк» 2001 йилда баланс қиймати 10000 минг сүмлик компьютерни 5 йил муддатта АТБ «Алоқабанк»ка молиявий лизинг бүйича ижарага берган. Йиллик лизинг тұловлари суммаси 3000 минг сүм ва фоиз ставкасы 15,24% қилиб белгиланған.

Лизинг берувчи бұлмиш РАТБ «Фаллабанк» баланс қиймати 10000 минг сүмлик компьютерни лизингге бергандан, қуидаги бухгалтерия үтказмалари амалга ошириләді:

Д-т «Суда» ҳисобварағи 10000 минг сүм;

К-т «Асосий воситалар» (компьютер) ҳисобварағи 10000 минг сүм.

Борди-ю, РАТБ «Фаллабанк» компьютерни бевосита сотувчидан олиб лизинг олувчи — АТБ «Алоқабанк»ка етказиб берган бўлса, унда қуидаги бухгалтерия амалларини бажаради:

Д-т «Суда» ҳисобварағи 10000 минг сүм;

К-т Сотувчининг ҳисобварағи ёки касса 10000 минг сүм.

Лизинг тұловлари лизинг берувчининг фаолияти нүқтаи назаридан икки қисмдан — дебитор қарзлар (ссуда)ни тұлаш суммаси ва молиявий даромадлардан иборат бўлади. Молиявий даромадлар суммаси умумий ижара муддатига мутаносиб равишда шундай тақсимланадики, бунда фоиз ставкасининг даражаси ҳар бир тұлов даври учун бир хил ўзгармас даражада сақлаб қолинади.

Юқоридаги мисол бўйича молиявий даромадларнинг умумий суммаси 5000 минг сүмга teng бўлади, чунки уму-

мий лизинг түловлари суммаси 15000 минг сүм ( $3000 \times 5 = 15000$ ), соф ижара инвестиция харажатлари суммаси эса 10000 минг сүмга тенгдир, яъни  $15000 - 10000 = 5000$ .

РАТБ «Фаллабанк» томонидан молиявий даромадлар суммаси ижара муддатига мутаносиб равишда шундай тақсимланади-ки, бунда фоиз ставкасининг даражаси ҳар бир түлов даври учун бир хил ўзгармас, яъни 15,24% даражада сақлаб қолинади.

Юқоридаги мисол бўйича РАТБ «Фаллабанк» молиявий даромадлар ва ссуда қарзлари түлови беш йил давомида қуий-дагича тақсимланади:

Сана	Йиллик лизинг тўлови	Молиявий даромадлар (фоиз 15,24%)	Тўланган ссуда қарзлари	Тўланмаган ссуда қолдиги
2001 йил	3000,0	1524	1476	10000
2002 йил	3000,,0	1299	1701	8524
2003 йил	3000,0	1040	1960	6823
2004 йил	3000,0	741	2259	4863
2005 йил	3000,0	396	2604	2604
Жами	15000,0	5000,0	10 000,0	0

РАТБ «Фаллабанк» томонидан тўлдириладиган ушбу жад-валдаги кўрсаткичлар, АТБ «Алоқабанк» томонидан лизинг тўловларини амалга ошириш бўйича тузилган жадвалдаги кўрсаткичлар каби ҳисобланади. Фақат молиявий харажатлар - молиявий даромадлар, амортизация ажратмалари - тўланган ссуда суммаси ва тўланмаган мажбурият - тўланмаган ссуда қолдиги номларини эгаллайди.

Биз ўқувчига тушунарли бўлиши учун тўлов даврини шартли равишда бир йил қилиб белгиладик. Амалдаги тамойилларга асосан эса молиявий даромадлар ҳар ойда, албаттa, ҳисобла-ниши лозим ва бунда қуидаги бухгалтерия ёзувлари берилади:

Д-т «Олиш учун ҳисобланган фоизлар» ҳисобварафи 1524 минг сўм;

К-т «Молиявий ижара бўйича фоизли даромадлар» ҳисоб-варафи 1524 минг сўм.

Лизинг тўловлари келиб тушганда, қуидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Д-т АТБ «Алоқабанк» вакиллик ҳисобварафи 3000 минг сўм;  
К-т «Суда» ҳисобварафи 1476 минг сўм;

К-т «Олиш учун ҳисобланган фоизлар» ҳисобварағи 1524 минг сүм.

2005 йилда АТБ «Алоқабанк» томонидан РАТБ «Фаллабанк»ка охирги лизинг түловлари келиб тушганда ссуда қарзи тұланған ҳисобланади ва ссуда ҳисобварағи ҳамда молиявий даромадлар ҳисобварағи ҳам мос равища ёпилади.

Биз ушбу операцияларни лизинг берувчи сифатида банк-лар иштирок этган ҳолда ёритдик. Агар лизинг берувчи лизинг компаниялари бўлған тақдирда лизинг түловлари келиб тушганда, улар куйидаги бухгалтерия ўтказмалари беришади:

Д-т Лизинг олувчининг ҳисобварағи ёки касса;

К-т «Молиявий ижарага (капитал) берилган кредитлар» ҳисобварағи;

К-т «Олиш учун ҳисобланган фоизлар» ҳисобварағи.

Энг сұнгти лизинг түловлари келиб тушгандан сұнг дебитор қарзлар қопланиши лозим ва мазкур ҳисобварақлар ёпилади.

## ИУ БЎЛИМ

### ЛИЗИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Хўш, ҳозир бизнинг Ўзбекистонда лизингнинг аҳволи қандай? Ҳукуматимиз томонидан ушбу истиқболли соҳани ривожлантириш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Ўзбекистон ҳукумати мустақиллик йилларининг дастлабки кунлариданоқ лизинг амалиётларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Олиб борилган ташкилий ва молиявий тадбирлар натижасида республика иқтисодиётига лизинг жадал кириб келмоқда.

Биринчи лизинг операцияси 1993 йилда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан амалга оширилган бўлиб, Ўзбекистон ҳаво йўлларига чет эл компанияларидан лизинг орқали самолётлар харид қилинган. Бугунги кунда мазкур банкнинг лизинг операциялари суммаси 600 млн АҚШ долларидан ортиб кетди. Миллий банк билан биргалиқда ҳозир яна 8 та тижорат банки шундай самарали молия операцияларини амалга оширмоқда. Куйидаги жадвалда 2002 йил давомида республиканинг 11 та тижорат банки томонидан ўтказилган лизинг амалиётлари бўйича маълумотлар келтирилган:

Банклар номи	Амалга оширилган лизинг операциялари		Лизинг предметлари
	Миқдори	Минг АҚШ долл эквивалентида	
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	4	378568	Самолётлар
АТ "Пахтабанк"	68	2677	К/ҳ техникаси, автотранспорт
ДАТ "Ўзўйжойжам-ғармабанк"	29	1129	Автотранспорт, технологик ускуналар
АТ "Савдоғарбанк"	5	769	К/ҳ техникаси
АТ "Трастбанк"	1	138	АЁҚШ
АИТ "Ипак йўли"	30	778	Автотранспорт, компьютерлар

Марказий Осиё ҳамкорлик ва ривожлантириш банкининг Тошкент шаҳридаги шуъба банки	3	888	Технологик ускуналар
АТБ "Алоқабанк"	5	160	Полиграфик ускуналар, фотолаборатория
ХОАТ "Хиф-банк"	6	71	Автотранспорт
ДАТ "Тадбиркорбанк"	103	220	К/х техникаси
РАТБ "Фаллабанк"	7	103	К/х техникаси, автотранспорт

2002 йилда эса республика тижорат банклари томонидан 1,3 млрд сўм ҳажмда 154 та янги лизинг лойиҳалари амалга оширилди ва ўтган 2001 йилга нисбатан уларнинг ҳажми 30%га ошди. Шуниси қувонарлики, республиканинг яна икки йирик банклари — РАТБ «Фаллабанк» ва АТ «Тадбиркорбанк» ҳам ўтган йилда лизинг амалиётларини бошлишди.

Бундан ташқари, тижорат банклари бевосита ўз мижозларига лизинг хизмати кўрсатиш билан бир қаторда, лизинг компаниялари фаолиятларини кредитглаш билан ҳам шуғулланишмоқда.

Тижорат банклари билан бир қаторда, республикада бугунги кунда 6 та маҳсус лизинг компаниялари ўз фаолиятини бошлаб юборишиган. Энг биринчи лизинг компанияси «Ўзбеклизинг Интернейшнл АЖ» 1995 йилда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Мейбанк», ЕТТБ ва ХМ иштироқида таъсис этилган эди.

Куйидаги жадвалда 2002 йил давомида республиканинг 6 та лизинг компаниялари фаолиятлари тўғрисида айрим мълумотлар келтирамиз:

Номи	Таъсисчилар таркиби	Сармоя (АҚШ долл. эквивалент.)	Ихтисослиги	Амалга оширилган лойиҳалар сони	Амалга оширилган лойиҳаларнинг суммаси (АҚШ долл.экв.)
Ўзбеклизинг Интернейшнл АЖ	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки - 35%, "Мейбанк"-35%, ЕТТБ-15%, ХМ-15%	6 млн	Ускуналарнинг импорти 50 мингдан 1,2 млн. АҚШ долл.гача	40	9,4 млн

Осиё-Европа траст компанияси	100% хориж корхонаси	50 минг	Ускуналарнинг импорти, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини инвестициялаш	10	3,6 млн
"Барака" универсал лизинг компанияси	1.Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси- 75 % 2."Ўзинвестпроект"- 16,7% 3. ТБ "Ипак йўли" - 8,3%	1 млн	Ички лизинг, 100АҚШ долл.дан 60 мингтacha сўмдаги қийматда	97	9,1 млн
"ЎзКейс - агролизинг"	"Кейс Кредит Холдинг ЛТД" - 51% Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси - 49%	5 млн	"КЕЙС" к/ҳ техника-сининг лизинги	37	7,2 млн
"Ўзельхозмашлизинг"	"Ўзельхозмашхолдинг" - 14% "Пахтабанк" - 10%, 459 акционерлар, 10%дан ортиқ бўлмаган улуш билан	1,5 млн	Маҳаллий к/ҳ техни-касининг лизинги	4420	152,9 млн
АЛ "Ўзавиализинг"	ТАИЧБ ДАЖ-71,42% Ташкии иқтисодий фаолият миллий банки - 8,16% "Асака" ДАТБ-8,16% ГИ РУ- 8,16% ГАВ "Ўзпроммашимпекс"-4,08%	24,5 млн	ТАИЧБ ДАЖ маҳсулотининг лизинги	1	15 млн

2002 йилда эса лизинг компаниялари томонидан 2310 та лизинг амалиётлари амалга оширилган ва уларнинг ҳажми 45,6 млрд сўмни ташкил этган. Кўриниб турибдики, лизинг компаниялари ўтган йилда бу йўналишда тижорат банкларига қараганда анча фаол ҳаракат қилишган.

Юқорида келтирилган маълумотлар республикада лизинг ривожланаётганлигини тасдиқлаб турибди. Лекин республикада ҳали бу қулай инвестиция воситасидан етарли даражада фойдаланишга эришилгани йўқ. Масалан, 2001 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектлари импорт ускуналарининг қиймати 310 млн АҚШ долларига teng бўлган бўлса, шундан бор-

йўғи 2,61 млн АҚШ доллари ёки 0,84% лизинг операцияларига тегишилдири. Бошқа ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 5-10%, ривожланган мамлакатларда эса 30%ни ташкил этмоқда.

Хўш, лизинг хизматининг оммавийлашувига нима халақит бермоқда?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августрдаги «Лизинг тизими ривожланишини янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонигача молиявий лизинг операцияларини амалга оширишда солиқ ва божхона тўловлари билан боғлиқ жуда катта чегараланишлар мавжуд эди. Мазкур фармон бўйича лизингни ривожлантириш учун янги имтиёзлар яратилди. Яъни, лизинг тўловлари қўшилган қўймат солигидан, банк кафолати остида лизинг бўйича республикага импорт қилинаётган мол-мулк божхона тўловларидан ҳамда лизинг олувчи лизинг обьекти бўйича мулк солигидан озод этилди. Бундан ташқари, кредит ҳисобига амалга оширилган лизинг операциялари бўйича даромад солиги базаси кредит фоизлари суммасига камайтирилди. Албатта, ушбу фармон бўйича яратилган имтиёзлар келажақда мамлакатда лизинг операцияларининг ривожланишига туртки бўлади.

Лекин шунга қарамасдан, ҳали лизинг обьекти ўз ҳаракатида барча солиқ чегараланишларидан холос бўлганича йўқ. Барча ривожланган мамлакатларда лизингнинг дастлабки ривожланиш босқичи давлат томонидан қўллаб-куватланган, бунда, айниқса, лизинг амалиётлари бўйича берилган солиқ имтиёзлари катта аҳамият касб этган. Масалан, айрим мамлакатларда лизинг бўйича сарфланган харажатлар солиққа тортадиган базани ҳисоблашда чегириб ташланади ва жадаллаштирилган аморгизация қўлланган ҳолларда ҳам солиқ бўйича имтиёзлар яратилган. Шу боис республикада лизинг амалиётларини янада ривожлантириш мақсадида солиқлар бўйича қўшимча имтиёзлар берилиши лозим. Масалан, лизинг компаниялари ва тижорат банкларини лизинг амалиётларидан олган фойдасидан солиқ тўлашни маълум муддатга бекор қилиш ёки унинг ҳажмини ссуда амалиётларини кига нисбатан сезиларли даражада камайтириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу билан бирга, лизинг операцияларининг оқсаб қолишига сабаб, бизнинг фикримизча, инвесторларнинг, айниқса, кичик ва ўрта бизнес соҳиблари малакасининг пастлиги,

ўзига қандай асбоб-ускуна кераклигини аниқ билмаслиги ва ҳали лизинг операциялари моҳиятини тўла тушуниб етмаганигидадир. Бундан ташқари, лизинг компанияларининг молиявий жиҳатдан noctor эканлиги, аникрофи, молиявий маблағларга муҳтоҷ бўлиб қолганлигидадир. Шунинг учун ҳам уларнинг асосий операцияларини тижорат банклари молиялаштироқда.

Қўшимча равишда яна шуни айтиш керакки, ҳали ҳам республикада тарбибот ишларини олиб бориш тадбирларига етарли эътибор бермай қелинмоқда. Жойларда тадбиркорларга мана шундай янги қулай ва манфаатли молия хизматлари тўғрисида ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилмаган.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЛИЗИНГ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ**

Мамлакатда лизинг бўйича асосий қонунчиллик ҳужжатлари бўлиб 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси (587-599-моддалар) ва Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни ҳисобланади. Мамлакатда хўжалик субъектлари ва лизинг компаниялари ҳамда тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган лизинг амалиётлари асосан шу икки ҳужжат талаблари асосида тартибга солинмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланиб ратификация қилинган ва 2001 йил 1 февралдан кучга кирган Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги Конвенция ҳам республикада халқаро молиявий амалиётларни тартибга соловчи қонунчиллик ҳужжатларидан бири саналади.

Республикада лизинг муносабатларини янада такомилластириш учун янги имкониятлар ва имтиёзлар яратиш ҳамда унинг ривожланишига тўғаноқ бўлаётган тўсиқларни олиб ташлаш, шунингдек, қонунчилликни халқаро андозалар талабларига мослаштириш мақсадида янги қонунчиллик ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Жумладан, 2002 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг тизими ривожланишини янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 447-11 сонли Қонуни билан республиканинг юқоридаги лизингга

оид бўлган икки қонунчилик ҳужжатига бир вақтда тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, мазкур ўзгартиришларни киритишдан олдин республика қонунчилик ҳужжатларида лизинг моҳиятини аниқловчи ва ушбу амалиётларни ўтказиш бўйича белгиланган талабларнинг биз олдинги бўлимларда қараб чиқсан халқаро андозалардан бирмунча фарқ қиласиган жиҳатлари мавжуд эди.

Келинглар, энди бевосита мазкур ҳужжатларда лизинг моҳияти қандай ёритилганлигини таҳлил қилиб кўрайлик.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, **лизинг(молиявий ижара)** — **бу ижара муносабатларининг алоҳида тури** бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчи)нинг топшириғига биноан учинчи тараф (сотувчи)дан лизинг шартномасида шартлашилган молмулк (лизинг обьекти)ни мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда лизингда лизинг шартномаси қўйидаги шартлардан бирига мувофиқ бўлиши керак:

- лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг обьекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

- лизинг шартномасининг муддати лизинг обьекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг обьектининг лизинг шартномаси кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаса;

- лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг обьектини бозор қийматидан паст нархда тўлаб сотиб олиш хуқуқига эга бўлса, бунда ана шу хукуқни амалга ошириш кунидаги лизинг обьекти қиймати асос бўлади;

- лизинг шартномаси амал қиласиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг обьекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлса.

Бизнинг фикримизча, қонунда белгиланган мазкур янги таърифда лизинг тўғрисидаги олдинги тушунчага қўйидаги ижобий қоидалар қўшилди:

1. «Молиявий лизинг» ибораси бевосита «лизинг (молиявий ижара)» сўзига алмаштирилди.

2. Лизинг берувчи лизинг обьектини мулк қилиб сотиб олиши ёки лизинг обьекти лизинг шартномаси тугагунча лизинг берувчининг мулки бўлиб ҳисобланиши қоидаси мустаҳкамланди.

3. Лизинг шартномаси муддати ўн икки ойдан кам бўлмаслиги талаби ўрнатилди.

4. Лизинг олувчига лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объектини бозор қийматидан паст нархда тўлаб сотиб олиш ҳуқуқи берилди.

Қўриниб турибдики, ушбу ўзгартиришлар орқали қонунчилик ҳужжатларидағи лизинг моҳияти халқаро ҳуқуқий меъёрларга мослаштирилди. Айниқса, молиявий лизинг тушунчаси лизинг ёки молиявий ижара ибораси билан алмаштирилиши юқоридаги фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Лекин ушбу ҳужжат меъёрлари фақат лизинг (молиявий ижара)га тааллуқли ҳолга келтирилиб, ундан халқаро амалиётларда ҳали кенг кўламда қўлланилаётган операцион лизинг меъёрлари батамом чиқариб ташланди. Натижада операцион лизинг амалиётларини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларга маълум томондан путур етди. Тўғри, республикада 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонуни мавжуд. Лекин ушбу ҳужжат жорий лизинг амалиётларини тартибга солувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилишга буғунги кунда қодир эмас. Шу сабабли ушбу ҳужжатни ҳам буғунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш зарур.

Айнан шу нуқтаи назардан бўлса керак, қонуннинг 5-моддасида «Лизинг турлари» номи «Лизинг шакллари» деб ноўрин ўзгартирилган ва мазкур моддада лизингнинг фақат «қайтарма» тури лизингнинг ягона шакли сифатида қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 587 - моддасида белгиланган лизинг тушунчасига киритилган ўзгартиришда фақат бигта қоида олиб ташланди, яъни янги таърифда обьектни **ўз маблағлари ҳисобига сотиб олиш қоидаси** чиқариб ташланди ва юқоридаги икки қонунчилик ҳужжати ўргасидаги мазкур қоида бўйича мавжуд зиддиятга барҳам берилди.

Шунингдек, Кодекснинг 589-моддасидаги «ишлиб чиқарувчи» сўзларини «сотовучи» сўзига ҳамда 597-моддасидаги «фойдаланувчи» сўзини «лизинг олувчи» сўзига алмаштирилиши билан бу икки ҳужжатдаги айнан шу тушунчалар бўйича мавжуд фарқлар ҳам бартараф этилди.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси, биринчи қисмида **лизинг обьектига** берилган тушунча халқаро талабларга тўлиқ жавоб берганлиги учун у олдинги ҳолда сақланниб қолинди. Унинг иккинчи қисмига эса ер участкалари ва

бошқа табиий обьектлар, муомаладан чиқарилған ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк лизинг обьектлари бўлиши мумкин эмаслиги бўйича аниқлик киритилди. Лизинг обьектини бундай батафсил тавсифлаш ва у фақат тадбиркорлик фаолияти мақсадларида фойдаланиладиган мол-мулк бўлиши белгиланган-лиги лизинг муносабатларини оддий ижара битимларидан, масалан, **истеъмол қилинадиган** ҳар қандай буюмлар бўйича тузиладиган ижара шартномаларидан фарқлаш имконини яратади.

«Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, олдинги таҳрирда лизинг фаолияти **тадбиркорлик фаолияти** деб белгиланган бўлса, киритилган ўзгартиришлар бўйича лизинг фаолияти **инвестиция фаолият тури**, деб аниқлик киритилди. Бизнинг фикримизча, лизинг фаолияти бўйича киритилган бу ўзгартириш халқаро амалиётлар нуқтаи назаридан тўла асослидир. Лекин лизинг мулкий муносабатлар мажмуи сифатида қаралганда, мазкур қоида асосан лизинг берувчи фаолияти билан чегараланиб қолганини сезиш қийин эмас.

Яна шу нарсани қайд этиб ўтиш зарурки, қонунчилик хужжатларида лизинг фаолияти билан шуғулланиш учун алоҳида лицензия олиш шарт эмас. Албатта, бу лизинг иштирокчилари, айниқса, маҳсус лизинг компаниялари учун қулай хуқуқий имкониятдир. Лизинг муносабатларининг фаол иштирокчилари бўлмиш банкларга мазкур фаолият учун алоҳида лицензия олиш шарт эмас. Чунки Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида банкларга ҳам мазкур фаолият тури билан шуғулланишга рухсат берилган.

Кодекснинг 59-моддаси ва қонуннинг 22-моддасидаги лизинг тўловларига деярли бир хил мазмунда янгитдан берилган таъриф ҳам муҳокама қилинишга муҳтоҷ, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур қонуний ҳужжатларда лизинг тўлови тушунчаси бўйича киритилган ўзгартиришлардаги қоидаларга мурожаат қиласли: «Лизинг тўлови лизинг берувчининг лизинг обьектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек, лизинг обьектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади». Маълумки, қонуний ҳужжатларда белгиланган меъёrlар ва қўлланилган тушунчалар турлича тал-

қин қилинишга йүл қүйилмайдыган ва бир хил мазмун касб этадыган аснода аниқ баён қилиниши ёки бунда баҳсли мунозара келиб чиқмаслиги зарур. Юқорида берилген таърифдаги «лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатлари» жумласи ноаниқ берилген бўлиб, баҳсли мунозараға кенг йўл очиб беради.

Келинг, тушунарли бўлиши учун лизинг тўловлари таркибини ташкил этувчи харажатларни шартли белгилар билан ифодалайлик:

$$ЛТ = АА + КФ + ВХ + КХ,$$

бунда, ЛТ — жами лизинг тўловлари; АА — лизинг берувчига тўлаш учун ҳисобланадиган амортизация ажратмалари; КФ — кредит маблағлари учун тўланадиган фоизлар ёки лизинг ставкаси; ВХ — лизинг берувчига лизинг объектини сотиш билан боғлиқ воситачилик харажатлари; КХ — лизинг берувчига лизинг объектини етказиб бериш бўйича қилган қўшимча харажатлар.

Қонунда кўрсатилган «лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатлари»ни ушбу формуладаги фақат учинчи харажат тури — ВХ, яъни лизинг берувчининг лизинг объектини сотиб олиш билан боғлиқ воситачилик харажатлари сифатида ҳеч иккимасдан қабул қилиш мумкин. Асосий харажатлар тури ҳисобланган, яъни лизинг объектининг қийматини ифодаловчи амортизация ажратмаларининг лизинг тўловларига кириш ё кирмаслиги номаълум бўлиб қолган.

Бизнинг фикримизча, лизинг тўлови — лизинг объекти қийматининг ҳаммаси ёки кўп қисми, лизинг объектини сотиб олиш учун қилинган жами воситачилик харажатлари, шунингдек, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бошқа қўшимча харажатлар ҳамда лизинг берувчининг даромади ҳисобланган лизинг ставкасидан иборат бўлади.\*

---

\*Эслатма. Сугурта тўловлари лизинг объекти қийматида турганлиги ва лизинг амалиётлари қўшилган қиймат солигидан озод этилганлиги сабабли, ушбу харажатларни лизинг тўловлари таркибиға киритмадик.

Бундан ташқари, кўпгина ривожланган мамлакатларнинг қонунчилик хужжатларига лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича алоҳида бўлимлар киритилган. Масалан, Россия Федерацияси Молия вазирлиги томонидан лизинг тўловларини ҳисоблаш учун маҳсус услубий қўлланма ишлаб чиқарилган. Чунки лизинг тўловларини ҳисоблаш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Лекин бизнинг республикамиизда бу борада ҳали иқтисодиётнинг барча соҳалари учун татбиқ қилиниши мумкин бўлган меъёрий хужжатлар мавжуд эмас. Айрим лизинг компаниялари лизинг тўловлари бўйича ҳисоб-китобларни ўз ички хужжатларига асосланган ҳолда мустақил равишда амалга ошироқдалар. Фикримизча, лизинг тўловларини ҳисоблаш ва амалга оширишнинг умумий қоидалари белгиланган меъёрий хужжат ишлаб чиқилиши лозим. Шунингдек, унга лизинг ҳали республика тадбиркорлари учун янги молиявий амалиёт бўлганлиги сабабли, лизинг муносабатлари расмийлаштирадиган шартномаларнинг намунавий нусхалари ва лизинг битимлари билан боғлиқ бошқа маслаҳатлар киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, республика тижорат банклари ҳам бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган лизинг операцияларининг фаол иштирокчилариидир. Улар томонидан бажарилаётган лизинг амалиётлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1999 йил 20 июлда 776-сон билан давлат рўйхатига олинган «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизинг ўtkазиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари асосида тартибга солинмоқда. Ушбу Низом бугунги кундаги республикадаги биз юқорида тилга олган қонуний хужжатларга ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан янги таҳрирда қайта ишлаб чиқилиб, давлат рўйхатидан ўтиш арафасида турибди.

Шунга қарамасдан, банк фаолиятида лизинг амалиётларини ўтказиш билан боғлиқ умумий муаммоларга тўхтаб ўтиш лозим, деб ҳисблаймиз.

Амалдаги банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий хужжатлар талаби бўйича лизинг амалиётлари мазмунан ссуда амалиётлари билан тенглаштирилган. Башарти шундай экан, ссуда амалиётларига хос бўлган барча бошқариш механизми лизинг амалиётлари учун ҳам татбиқ этилиши лозим. Лекин банклар активларини таснифлаш, улар бўйича

вужудга келадиган йўқотишларни қоплаш учун захиралар ташкил этиш ҳамда банк хатарлари олдини олиш билан боғлиқ меъёрий хужжатларда, шунингдек, тижорат банклари нинг ички кредит сиёсатларида ҳам бу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, лизинг амалиётлари ссуда амалиётлари билан тенглаштирилганлиги боис унинг ҳисоби ҳам ссуда ҳисобварагларида юритилади. Банк балансида ва бошқа молиявий ҳисботларида лизинг амалиётлари бўйича алоҳида маълумотлар йўклиги сабабли улар бўйича мониторинг ўтказиш анча мушкул.


Бундан ташқари, лизингни тўла ссудага чиқариш яна шу томондан ноўринки, Бухгалтериянинг миллий стандартларига асосан лизингта берилган актив ижара берувчи (банк)нинг балансида дебитор қарз сифатида ҳисобга олиниши лозим. Маълумки, республиканинг амалдаги қонунчилиги бўйича дебитор қарзлари З ой ўтгандан сўнг муддати ўтган қарзлар ҳисобланади ва улар бўйича мониторинг ўрнатилиши белгиланган.

Юқоридаги муаммолар мустақил ҳамдўстлик давлатларида ҳам мавжуд. Шу сабабли бўлса керак, Россиянинг йирик банклари бевосита лизинг амалиётларини ўтказишдан қочиб, лизинг компанияларини молиялаштириш билан ўралашиб қолишган. Ривожланган мамлакатлар банклари лизинг амалиётларини бевосита ўзлари эмас, балки шу мақсадда ташкил этилган шуъба корхоналари орқали амалга оширишади. Ушбу шуъба корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларини юритишда лизинг компанияларига хос бўлган андозалар татбиқ этилади.

Ишонамизки, республика тижорат банклари мамлакатда лизинг амалиётларини ривожлантиришда ҳам сўзсиз фаол иштирок этадилар.

ИЛОВАЛДАР

1-1108a



**ЛИЗИНГГА БЕРИБ ЮБОРИЛАЁТГАН МОЛ-МУЛК  
ОЛДИ-СОТДИСИ ҲАҚИДАГИ ШАРТНОМА**  
(намунавий шакл)

---

 ш.

200\_ й. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

(Ф. И. О. ва лавозими)

номидан Устав асосида фаолият кўрсатаётган корхонаси, кейинги ўринларда «Сотувчи» дейилади, бир томондан, ва номидан Устав асосида фаолият кўрсатаётган банк, кейинги ўринларда «Ижарага берувчи» дейилади, бошқа томондан, мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

**1. Етказиб бериладиган маҳсулот номи ва миқдори**

1.1. Сотувчи 200\_ й. «\_\_\_\_\_» даги \_\_\_\_\_-сонли буюртма-фармойишни ижро этиш учун 200\_ йилда тайёрлаш ва етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олади, ижарага берувчи банк эса \_\_\_\_\_ ни (лизинг обьекти номи)

мазкур шартномага илова қилинган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган тасниф (келишилган тартиб)га мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

1.2. Сотувчига ижарага берувчи банк розилиги билан лизинг обьектини муддатидан олдин юклаб жўнатиш хуқуки берилади.

**2. Сифат ва бутлик**

2.1. Етказиб бериладиган лизинг обьекти ўз сифати бўйича техникавий шартлар ва маълумотларга мос келиши лозим.

**3. Шартнома муддати**

3.1. Шартнома у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонларнинг унинг шартларини тўла ижро этгунлариға қадар амал қиласди.

## **4. Нарх ва шартнома суммаси**

4.1. Етказиб бериладиган лизинг объектига келишилган нархда ҳақ тұланади.

4.2. Мазкур шартнома бүйіча етказиб бериладиган маҳсулот суммаси \_\_\_\_\_ сүмни ташкил қылади.

## **5. Юклаб жұнатиш тартиби**

5.1. \_\_\_\_\_ ни юклаб жұнатиш  
(лизинг объекті номи)

(автомобил, темир йұл транспортида)

\_\_\_\_\_ юқ ташиш тезлигіда  
(вагонларда, контейнерларда ва ш.к.ларда)  
амалга оширилади.

5.2. \_\_\_\_\_ юклаб жұнатишнинг  
энг кам меъёри ҳисобланади.

## **6. Идиш ва ўраб жойлаш**

6.1. Лизинг объекті техникавий шартларға жавоб берувчи ҳамда ташиш ва сақлаш пайтида маҳсулот бутлигини таъминловчи \_\_\_\_\_ да ўраб жойланиши лозим.

## **7. Ҳисоб-китоблар тартиби**

7.1. Етказиб бериладиган лизинг объекті учун ҳисоб-китоблар сотувчининг тақдим этилган ҳисобрақамлари асосида \_\_\_\_\_ йүли билан амалга оширилади.  
(тұлов шакли күрсатилади)

7.2. Мазкур шартнома у имзоланған пайтдан бошлаб томонларнинг барча мажбуриятлари тұла ижро этилгүнига қадар амал қылади.

## **8. Томонлар масъулияtlари**

8.1. Ижарага берувчи банк сотиб олинған лизинг объекті учун томонлар үртасида келишилган муддатларда ва суммада ҳақ тұлаш мажбуриятини зымасига олади.

8.2. Сотувчи лизинг объекти сифати ва бутлиги ҳамда уни етказиб бериш муддатлари ҳамда мазкур шартнома талабларидан келиб чиқадиган бошқа шартларнинг бажарилиши учун жавобгардир.

8.3. Томонлар битимга келмаган тақдирда шартнома ижроси билан боғлиқ баҳслар хўжалик ёки бошқа судда кўриб чиқилади.

## **9. Шартнома муддати**

9.1. Шартнома у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонларнинг унинг шартларини тўла ижро этгунларига қадар амал қиласди.

## **10. Кўшимча шартлар**

10.1. Ижарага берувчи банк мазкур шартнома таснифида кўрсатилган лизинг обьектини фақат лизинг шартномаси доирасида \_\_\_\_\_  
бериб юбориш мақсадида сотиб олади.

10.2. Сотувчи буюртмачининг ўзининг барча (тўлов мажбуриятларидан ташқари) мажбуриятларини ва (эгалик қилиш хукуқидан ташқари) хукуқларини лизинг олувчи томонга бериб юборишига ҳамда ўзининг барча даъволарини бевосита сотувчига кўрсатиш хукуқини унга беришига розилик билдиради.

Ижарага берувчи банк \_\_\_\_\_

Сотувчи \_\_\_\_\_

## ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ (намунавий шакл)

ш. \_\_\_\_\_ й.      «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_  
 (түзилгән жойи)      (шартнома түзилгән сана)  
 номидан  
 (лавозими, Ф. И. О.)  
 асосида фаолият күрсатаётган  
 (юридик шахс номи)  
 кейинги ўринларда  
 (банк номи)  
 «Ижарага берувчи» дейилади, бир томондан, ва \_\_\_\_\_  
 (лавозими, Ф.И.О.)  
 номидан \_\_\_\_\_  
 (юридик шахс номи)  
 асосида фаолият күрсатаётган \_\_\_\_\_  
 (хұжалик юритувчи субъект номи)  
 кейинги ўринларда «Ижарага олувчи» дейилади, бошқа то-  
 мондан, лизинг шартномасини, кейинги ўринларда «Шарт-  
 нома» дейилади, қуидагилар ҳақида түздилар:

### 1. Лизинг шартлари

1.1. Ижарага берувчи қуидида берилған талаблар (1-илова,  
 «Асбоб-ускуналарни олиш талабномаси»)га мувофиқ келув-  
 чи \_\_\_\_\_  
 (мол-мулк номи)  
 \_\_\_\_\_ ни, кейинги ўринларда «Асбоб-ускуна» дейи-  
 лади, қуидида келишиб олинған ижара ҳақи әвазига ижарага  
 олувчига \_\_\_\_\_ ой муддатта беришга розилик билдиради.  
 \_\_\_\_\_  
 (номи, юридик манзили)

кейинги ўринларда «Сотувчи» дейилади, лизинг объектининг  
 сотувчиси ҳисобланади.

Асбоб-ускуналарни етказиб бериш муддати \_\_\_\_\_,  
 Асбоб-ускуналарни етказиб бериш жойи \_\_\_\_\_,  
 Асбоб-ускуналар қийматы \_\_\_\_\_ сүм.

1.2. Лизинг муддати: етказиб берилган пайтдан бошлаб 200\_  
й. «\_\_\_\_\_» га қадар.

1.3. Лизинг объектини етказиб Бериш жойигача ташиш,  
үрнатиш ва фойдаланишга тушириш билан боғлиқ барча ха-  
ражатлар \_\_\_\_\_

НИНГ

хисобрақамига киритилади

1.4. Ижарага оловчи лизинг объектидан бутун лизинг мудда-  
ти давомида фойдаланиш ҳуқуқини олади, бироқ мазкур битим  
бўйича ўзининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ёки битим туфайли  
юзага келадиган бирор манфаатларини учинчи шахсга ижарага  
берувчининг ёзма розилигисиз бериб юборишга ҳақи йўқ.

1.5. Ижарага оловчи шартноманинг амал қилиш муддати  
тугаганда \_\_\_\_\_

(асбоб-ускуналарни ижарага берувчига қайтариш; лизинг битимини  
аввалги шартларда янгилаш; бошқа шартларда янги битим тузиш; асбоб-  
ускуналарни сотиб олиш)

га ҳақлидир.

1.6. Мазкур шартнома бир хил қучга эга иккита нусхада  
тузилди ва томонлар ҳамда уларнинг қонуний вакиллари то-  
монидан ижро этилиши мажбурийдир.

## 2. Лизинг ҳақи миқдори

2.1. Ижарага оловчи ҳар ойда (йилнинг ҳар чорагида)  
ижарага берувчига \_\_\_\_\_ сўм миқдорида  
лизинг ҳақи тўлаб туриши шарт.

2.2. Тўловлар қўйидаги амалга оширилади:

биринчиси - асбоб-ускуналарни қабул қилиб олиш дало-  
латномаси имзоланган санадан \_\_\_\_\_ ой ўтгач;  
кейингилари - \_\_\_\_\_;

(ҳар ойда, йилнинг ҳар чорагида)  
ҳаммаси бўлиб \_\_\_\_\_ тўловлар амалга оширилади.  
(тўловлар миқдори)

2.3. Ижарага оловчи \_\_\_\_\_ миқдори-  
даги лизинг ҳақини (ҳар ойда, йилнинг ҳар чорагида) ҳақ  
тўланадиган даврдан кейинги \_\_\_\_\_ кунгача тўлаб боради.  
Тўловлар кечиктирилган тақдирда ижарага оловчи муддати  
ўтказиб юборилган суммадан ҳар бир муддати ўтказилган кун  
учун \_\_\_\_\_ миқдорида жарима тўлайди.

**2.4. Воситачилик ҳақи мазкур шартнома имзоланган пайтдан бошлаб мазкур шартномада кўзда тутилган бутун сумма ижарага берувчига тўлангунига қадар ҳисоблаб ёзилади.**

**Воситачилик ҳақи лизинг қийматининг тўланмаган қисмигагина ҳисоблаб ёзилади ва ҳатточи, мазкур шартноманинг амал қилиши бирор сабабларга кўра тўхтатиб қўйилган тақдирда ҳам бу сабаблардан қатъи назар тўланади.**

### **3. Асбоб-ускуналарни етказиб бериш**

**3.1. Ижарага оловчи лизинг обьекти етказиб бериш жойига етиб келганда уни мазкур шартномада белгиланган етказиб бериш муддатида текширувдан ўтказиши ҳамда ижарага берувчига қабул қилиб олганлик ҳақида далолатнома тақдим этиши лозим.**

**3.2. Агар ижарага оловчи асбоб-ускуналарни меъёрда ишлатишга йўл қўймайдиган тузатилмас нуқсонлар борлиги туфайли лизинг обьектини қабул қилишдан бош тортса, у бу ҳақда ижарага берувчини ёзма шаклда хабардор қилиши ва аниқланган камчиликларни кўрсатиб ўтиши лозим.**

**Ижарага оловчининг бу рекламацияси ижарага берувчига лизинг обьектини харид қилиш тўғрисидаги шартнома бекор қилинганилиги ҳақида сотувчига маълум қилиш ҳукуқини беради.**

**3.3. Сотувчининг лизинг обьектини харид қилиш ҳақидаги шартнома асоссиз бекор қилинганилиги туфайли кўрилган зарарларни қоплаш ҳақидаги талаби ижарага оловчига берилади.**

**3.4. Агар ижарага оловчи асбоб-ускуналарнинг етказиб бериш жойига етиб келган кундан бошлаб икки ҳафталик муддат ичida ижарага берувчига асбоб-ускуналар фойдаланишга қабул қилиб олинганилиги ҳақида далолатнома тақдим этмаса ҳамда лизинг обьектининг тузатиб бўлмайдиган нуқсон ва камчиликлари мавжудлиги ҳақида маълум қилмаса, асбоб-ускуналарни қабул қилиб олиш амалга ошган деб ҳисобланади.**

**3.5. Ижарага оловчи лизинг обьекти бўйича сотувчи берган кафолатдан фойдаланади. Ижарага берувчи асбоб-ускуналар таъминотининг нуқсонлари, ўз вақтидалиги ва бутлиги ҳамда уни ўрнатиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги билан боғлиқ масалаларда сотувчига даъво қилиш бўйича ўзининг ҳукуқларини ижарага оловчига беради.**

## **4. Томонларнинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари**

**4.1. Ижарага олувчи қўйидагиларни бажариши шарт:**

- а) лизинг обьектини ишлатиш, хизмат кўрсатиш ва сақлаш бўйича сотувчининг кўрсатмаларига қатъий ва аниқ риоя қилиш;
- б) лизинг обьектини мунтазам текшириб туриш;
- в) асбоб-ускуналарни мақбул ҳолатда сақлаб туриш ва барча йўқ бўлган, шикастланган ва синган қисмларини алмаштириб туриш;

г) лизинг обьектини мазкур соҳа мутахассислари томонидан моҳирона ва тўғри ишлатилишини таъминлаш;

д) мазкур соҳа мутахассислари томонидан лизинг обьектига хизмат кўрсатиш бўйича барча ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

е) лизинг обьектини ишлатиш бўйича барча зарур рўйхатга олиш, лицензия олиш ва бошқа талабларни бажариш;

**4.2. Ижарага берувчи сотувчининг техникавий хизмат кўрсатиш, кафолатли таъмирлаб бериш, бутловчи қисмларни етказиб бериш бўйича мажбуриятларини ва лизинг обьектиning таъминотчиси сифатида унга нисбатан юзага келадиган бошқа мажбуриятларни бажаришини талаб қилиш бўйича ўзининг барча ҳукуқларини ижарага олувчига беради.**

**4.3. Ижарага олувчининг лизинг обьектини сотишга ёки гаровга қўйишга, шунингдек, ижарага берувчининг розилигисиз асбоб-ускуналарга қўшимча ва тузатишлар киритишга ёки лизинг обьектиning ишлаш тартиби ҳамда сифатига ўзгартириш киритишга ҳақи йўқ,**

**4.4. Ижарага берувчининг бунга розилик билдирганми ёки билдирамаганми, бундан қатъи назар, лизинг обьектига киритиладиган ҳар қандай қўшимчалар, ўзгартиришлар ёки тузатишлар лизинг обьектиning қисми ҳисобланади.**

**4.5. Ижарага олувчи ижарага берувчининг вакилига лизинг обьектини текшириш ва кўздан кечириш мақсадида иш вақтида лизинг обьектидан фойдаланиш бўйича тўла ва сўзсиз ҳукуқ беради.**

**4.6. Лизинг обьектини ишлатиш, сақлаш, тасарруф этиш оқибатида ҳам одамларга, ҳам мол-мулкка етказилган ҳар қандай шикастланишлар учун бутун масъулият ижарага олувчининг зиммасига юклатилган.**

**4.7. Ижарага олувчи ижарага берувчининг ёзма рухсатисиз лизинг обьекти тузилиши, унинг техникавий тавсифлари ва шакллари билан учинчи шахсларни таништиришга ҳақи йўқ.**

4.8. Ижарага олувчи асбоб-ускуналарни кутитмаган ҳолда нобуд бўлиш, шикастланиш ёки ишдан чиқиш ҳолатларидан ижарага берувчи фойдасига ўз ҳисобига суғурталаши лозим.

4.9. Ижарага берувчи шартнома бўйича ўзининг хукуқларини ёки ундан келиб чиқадиган бирор манфаатларни ижарага олувчининг розилигисиз, аммо уни бу ҳақда хабардор қилган ҳолда, тўла ёки қисман учинчи шахсга ўтказиши мумкин.

4.10. Ижарага олувчининг шартномадан келиб чиқадиган ўз хукуқларини, мажбуриятларини ёки манфаатларини ижарага берувчининг ёзма розилигисиз учинчи шахсга ўтказишига ҳақи йўқ.

4.11. Ижарага олувчи лизинг тўловининг муддатини ўтказиб юборган тақдирда у муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўланмаган суммадан \_\_\_\_\_ % миқдорида жарима тўлади.

## 5. Шартноманинг амал қилишини тугатиш

5.1. Мазкур шартноманинг амал қилиши унинг амал қилиш муддати ниҳоясига етганда тугайди. Лизинг обьекти ижарага берувчida у ҳақда юзага келган тасаввурга мос келмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилишини тугатиш мумкин эмас.

5.2. Ижарага берувчи ижарага олувчи қўйидаги ҳолларга йўл қўйган тақдирда шартномани дарҳол бекор қилиш ҳақида хабар бериш хукуқига эгадир:

- шартноманинг мол-мулк вазифалари шартларини жиддий бузган ҳолда лизинг обьектидан фойдаланиш;
- лизинг обьектининг аҳволини сезиларли даражада ёмонлаштириш;

— шартномада белгиланган тўлов муддати тугаганида лизинг обьектидан фойдаланиш ҳақини икки мартадан кўпроқ кетма-кет тўламаслик;

— лизинг обьектини шартномада белгиланган муддатларда тубдан таъмирламаслик.

5.3. Ижарага олувчи лизинг обьектини қабул қилиб олиш пайтида унинг бир меъёрда ишлашига йўл қўймайдиган ва тузатиб бўлмайдиган камчиликлар аниқланган тақдирда мазкур шартномани бекор қилиш хукуқига эга.

Ижарага олувчи мазкур шартнома бекор қилинганлиги ҳақида асбоб-ускуналарни етказиб бериш муддати тугаган кундан 10 кунга кечикмасдан ижарага берувчини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

5.4. Шартноманинг бекор қилинганлиги томонларни шартнома бекор қилинган пайтга қадар қилинган ўзаро даъволарни қондириш мажбуриятидан озод этмайди.

5.5. Лизинг шартномасини тузиш ва ижро этиш муносабати билан юзага келган барча баҳслар томонлар келишувига кўра хўжалик судида ёки қонунчиликда белгиланган бошқа тартибда кўриб чиқлади.

5.6. Шартномага киритилган барча ўзгартиришлар, қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва иккала томон имзолаган тақдирдагина амал қиласди.

## **6. Шартнома ёпилгандан кейинги амаллар**

6.1. Шартнома тугатилганлиги ҳақида билдириш хати олинган пайтда ижарага олувчи лизинг обьектидан фойдаланиш хукуқидан маҳрум этилади.

6.2. Агар шартнома бекор қилингандан кейин ижарага олувчи шартномада кўзда тутилган тўловларни тўламаган тақдирда, ижарага олувчи асбоб-ускуналарни ижарага берувчининг талабини олган кундан бошлаб тўрт кунлик муддат ичидага ижарага берувчи кўрсатган манзилга жўнатиб юбориши шарт.

Ижарага олувчи бу амалларни бажаришдан бош тортган тақдирда ижарага берувчи асбоб-ускуналарга эгалик қилиш ва ташишини ўз ихтиёрига кўра амалга ошириш хукуқига эга бўлади.

6.3. Ижарага олувчи ижарага берувчининг лизинг обьектини қисмларга ажратиш, қайтариш ва ташиш бўйича барча харажатларини, шунингдек, ташиш билан боғлиқ барча таваккалчиликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

6.4. Агар ижарага олувчи битим ёпилгандан кейин асбоб-ускуналарни қайтариб бермаган тақдирда, ундан асбоб-ускуналар қиймати ижарага берувчига тўла қайтарилмагунига қадар муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун асбоб-ускуналарнинг қолдиқ қийматидан \_\_\_\_\_ % миқдорида жарима ундирилади.

## **7. Асбоб-ускуналарни қайтариб бериш билан боғлиқ мажбуриятлар**

7.1. Агар ижарага олувчи асбоб-ускуналарга бирор ўзгартириш киритган бўлса, у ижарага берувчининг талабига кўра ва ўз ҳисобига асбоб-ускуналарнинг дастлабки аҳволини тиклаб бериши лозим.

7.2. Агар ижарага олувчи ижара муддати тугаганда ёки битим ёпилганды асбоб-ускуналарни қайтариб бермаган тақдирда, ундан асбоб-ускуналари қиймати ижарага берувчига тұла қайтарилмагунига қадар муддати үтказиб юборилған ҳар бир кун учун асбоб-ускуналарнинг қолдиқ қийматидан % миқдорида жарима ундирилади.

7.3. Ижарага олувчининг мазкур шартномада келишилған ижара муддати тугаганда лизинг объектидан фойдаланишини давом эттириши ижаранинг янгиланғанлиги ёки муддати чүзилғанлиги сифатида қабул қилинмаслиги лозим.

## **8. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари**

Ижарага берувчи \_\_\_\_\_  
Ижарага олувчи \_\_\_\_\_

Ижарага берувчи

Ижарага олувчи

**1 сүмлийн номинал үйлчилгээний  
одоржийн төслийн  
жорийн хиймэлтийн**

	2 %	4 %	5 %	6 %	7 %	8 %	9 %	10 %	11 %	12 %	15 %
1	0.98039	0.96154	0.95238	0.94340	0.93458	0.92593	0.91743	0.90909	0.90090	0.89286	0.86957
2	1.94156	1.88609	1.85941	1.83339	1.80802	1.78326	1.75911	1.73554	1.71252	1.69005	1.62571
3	2.88388	2.77509	2.72325	2.67301	2.62432	2.57710	2.53129	2.48685	2.44371	2.40183	2.28323
4	3.80773	3.62990	3.54595	3.46511	3.38721	3.31213	3.23972	3.16987	3.10245	3.03735	2.85498
5	4.71346	4.45182	4.32948	4.21236	4.10020	3.99271	3.88965	3.79079	3.69590	3.60478	3.35216
6	5.60143	5.24214	5.07569	4.91732	4.76654	4.62288	4.48592	4.35526	4.23054	4.11141	3.78448
7	6.47199	6.00205	5.78637	5.58238	5.38929	5.20637	5.03295	4.86842	4.71220	4.56376	4.16042
8	7.32548	6.73274	6.46321	6.20979	5.97130	5.74664	5.53482	5.33493	5.14612	4.96764	4.48732
9	8.16224	7.43533	7.10782	6.80169	6.51523	6.24689	5.99525	5.75902	5.53705	5.32825	4.77158
10	8.98259	8.11090	7.72173	7.36009	7.02358	6.71008	6.41766	6.14457	5.88923	5.65022	5.01877
11	9.78685	8.76048	8.30641	7.88687	7.49867	7.13896	6.80519	6.49506	6.20652	5.93770	5.23371
12	10.5734	9.38507	8.86325	8.38384	7.94269	7.53608	7.16073	6.81369	6.49236	6.19437	5.42062
13	11.34837	9.98565	9.39357	8.85268	8.35765	7.90378	7.48690	7.10336	6.74987	6.42355	5.58315
14	12.10625	10.56312	9.89864	9.29498	8.74547	8.24424	7.78615	7.36669	6.98187	6.62817	5.72448
15	12.84926	11.11839	10.37966	9.71225	9.10791	8.55948	8.06069	7.60608	7.19087	6.81086	5.84737
16	13.57771	11.65230	10.83777	10.10590	9.44665	8.85137	8.31256	7.82371	7.37916	6.97399	5.95423
17	14.29187	12.16567	11.27407	10.47726	9.76322	9.12164	8.54363	8.02155	7.54879	7.11963	6.04716
18	14.99203	12.65930	11.68959	10.82760	10.05909	9.37189	8.75563	8.20141	7.70162	7.24967	6.12797
19	15.67846	13.13394	12.08532	11.15812	10.33560	9.60360	8.95011	8.36492	7.83929	7.36578	6.19823
20	16.35143	13.59033	12.46221	11.46992	10.59401	9.81815	9.12855	8.51356	7.96333	7.46944	6.25933
21	17.01121	14.02916	12.82115	11.76408	10.83553	10.01680	9.29224	8.64869	8.07507	7.56200	6.31246
22	17.65805	14.45112	13.16300	12.04158	11.06124	10.20074	9.44243	8.77154	8.17574	7.64465	6.35866
23	18.29220	14.85684	13.48857	12.30338	11.27219	10.37106	9.58021	8.88322	8.26643	7.71843	6.39884
24	18.91393	15.24696	13.79864	12.55036	11.46933	10.52876	9.70661	8.98474	8.34814	7.78432	6.43377
25	19.52346	15.62208	14.09394	12.78336	11.65358	10.67478	9.82258	9.07704	8.42174	7.84314	6.46415

**1 сүмлийн номинал үйлчилгээний төхөн  
жорийн үйлчилгээнд (түүхийн давр бошида  
амалга оширилган холда)**

	2%	3%	4%	5%	6%	7%	8%	9%	10%	11%	12%	15%
1	1.00000	1.00000	1.00000	1.00000	1.00000	1.00000	1.00000	1.00000	1.00000	1.00000	1.00000	1.00000
2	1.98039	1.97087	1.96154	1.95238	1.94340	1.93458	1.92593	1.91743	1.90809	1.90090	1.89286	1.86957
3	2.94156	2.91347	2.88609	2.85941	2.83339	2.80802	2.78326	2.75911	2.73554	2.71252	2.69005	2.62571
4	3.88388	3.82861	3.77509	3.72325	3.67301	3.62432	3.57710	3.53129	3.48685	3.44371	3.40183	3.28323
5	4.80773	4.71710	4.62990	4.54595	4.46511	4.38721	4.31213	4.23972	4.16987	4.10245	4.03735	3.85498
6	5.71346	5.57971	5.45182	5.32948	5.21236	5.10020	4.99271	4.88965	4.79079	4.69590	4.60478	4.35216
7	6.60143	6.41719	6.24214	6.07569	5.91732	5.76654	5.62288	5.48592	5.35526	5.23054	5.11141	4.78448
8	7.47199	7.23028	7.00205	6.78637	6.58238	6.38929	6.20637	6.03295	5.86842	5.71220	5.56376	5.16042
9	8.32548	8.01969	7.73274	7.46321	7.20979	6.97130	6.74664	6.53482	6.33493	6.14612	5.96764	5.48732
10	9.16224	8.78611	8.43533	8.10782	7.80169	7.51523	7.24689	6.99525	6.75902	6.53705	6.32825	5.77158
11	9.98259	9.53020	9.11090	8.77173	8.36009	8.02358	7.71008	7.41766	7.14457	6.869923	6.65022	6.01877
12	10.78685	10.25262	9.76048	9.30641	8.88687	8.49867	8.13896	7.80519	7.49506	7.20652	6.93770	6.23371
13	11.57534	10.95400	10.38507	9.86325	9.38384	8.94269	8.53608	8.16073	7.81369	7.49236	7.19437	6.42062
14	12.34837	11.63496	10.98565	10.39357	9.85268	9.35765	8.90378	8.48690	8.10336	7.74987	7.42355	6.58315
15	13.10625	12.29607	11.56312	10.89864	10.29498	9.74547	9.24424	8.78615	8.36669	7.98187	7.62817	6.72448
16	13.84926	12.93794	12.11839	11.37966	10.71225	10.10791	9.55948	9.06069	8.60608	8.19087	7.81086	6.84737
17	14.57771	13.56110	12.65230	11.83777	11.10590	10.44665	9.8551377	9.31256	8.82371	8.37916	7.97399	6.95423
18	15.29187	14.16612	13.16567	12.27407	11.47726	10.76322	10.12164	9.543633	9.02155	8.54879	8.11963	7.04716
19	15.99203	14.75351	13.65930	12.68959	11.82760	11.05909	10.37189	9.775563	9.20141	8.70162	8.24967	7.12797
20	16.67846	15.32380	14.13394	13.08532	12.15812	11.33560	10.60360	9.95011	9.36492	8.83929	8.36578	7.19823
21	17.35143	15.87747	14.59033	13.46621	12.46992	11.59401	10.81815	10.12855	9.51356	8.96333	8.46944	7.25933
22	18.00121	16.41502	15.02916	13.82115	12.76408	11.83553	11.01680	10.29224	9.64869	9.07507	8.56200	7.31246
23	18.656805	16.93692	15.45112	14.16300	13.04158	12.06124	11.20074	10.44243	9.77154	9.17574	8.64465	7.35886
24	19.29220	17.44361	15.85684	14.48857	13.30338	12.27219	11.37106	10.58021	9.88322	9.26643	8.71843	7.39884
25	19.91393	17.93554	16.24696	14.79864	13.55036	12.46933	11.52876	10.70661	9.98474	9.34814	8.78432	7.43377

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, 1995 йил 25 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 1997 йил 21 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Конуни, 1999 йил 14 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Конуни, 1991 йил 19 ноябр.
5. Ўзбекистон Республикасининг 447-II сонли Конуни, 2002 йил 13 декабр.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил августдаги «Лизинг тизими ривожланишини янада рафбатлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
7. «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизинг ўtkазиш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 776, 1999 йил 20 июл).
8. Акрамов А. Э., Тоиров А. Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. М., ТОО «Люкс-арт», 1998.
9. Газибеков Д. Г., Собиров О. Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. Т., «Молия», 2001.
10. IFC «Анализ финансового рынка в Центральной Азии», май, 2002.
11. IFC «Анализ финансового рынка в Центральной Азии», май, 2003.
12. «Крокус Интернешнл», Лизинг и коммерческий кредит. М., 1990.
13. Лаврушин И.О. Банковское дело. М., «Финансы и статистика», 2002.
14. Лизинг инфо. Лизинг что это такое? Бизнес Вестник Востока, №21, 23 мая, 2002.
15. Марпатов М. Д. Лизинг гояси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти. «Бозор, пул ва кредит», 4- ва 5-сонлар, 2003 йил.

**ЭЛШОД НАБИЕВ, МАВЛОНХОН МАРПАТОВ**

**ЛИЗИНГ ФОЯСИ, ТАРИХИ, ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ ВА АМАЛИЁТИ**

**Тошкент — 2004**

Нашр учун масъул *H. Халилов*

Таҳририят мудири *M. Миркомилов*

Муҳаррир *M. Саъдуллаева*

Мусаҳҳиҳа *M. Усмонова*

Компьютерда саҳифаловчи *Ш. Ҳазратова*

Босишга рухсат этилди 10.06.2004. Бичими  $84 \times 108^1 / 32$ .

Офсет қоғози. Шартли босма табоги 5,2.

Нашр табоги 5,0. Адади 1000. Буюртма № 37

«ЎАЖБНТ» Маркази, Тошкент, Пахтакор кўчаси, 3

Андоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг «ЎАЖБНТ» Маркази компьютер бўлимида тайёрланди.

«Хега-Принт» босмахонасида чоп этилди.

Сиргали 17, 52<sup>А</sup> уй.

